



МУМИЛОВА Л.Р.

**НУТКИДА КАМЧИЛИГИ БОР
БОЛАЛАРНИНГ
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК
ДИАГНОСТИКАСИ**

фанидан маъруза матнлари

ТОШКЕНТ

678. 2.05.15

462. 13.05.15.

42. 22.02.15

44. 24.01.15

137. 17.1.14

20. 10. 26.14

44. 26.05.14

42. 5.05.14

27. 0.03.14

314. 19.02.14

18. 01.01.14

151. 14.01.14

694. 12.12.13.

894. 14.11.13.

694. 1.01.13

132. 24.06.13

332. 6.06.13

448. 15.05.13.

425. 20.03.13.

03. 12.02.13

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА Л.Р.

НУТҚИДА КАМЧИЛИГИ БОР
БОЛАЛАРНИНГ
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК
ДИАГНОСТИКАСИ
фанидан маъруза матилари

ТОШКЕНТ – 2012

**Нутқида камчилиги бор болаларнинг
психологик-педагогик диагностикаси**

Тузувчи муаллиф п.ф.д. проф. Л.Р. Муминова

Такризчилар:

Низомий номидаги ТДПУ

п.ф.н.пооф. М.Ю.Аюпова п.ф.н. доц. Нуркельдиева д.А.

Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси бўйича берилган маърузани асосий мақсади ва вазифаси бу курс тингловчиларига болалар нутқидаги камчиликлар таснифини бериш, нутқида нуқсони бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси йўллари, методлари билан таништириш ҳамда улардан амалда фойдаланиш. психологик-педагогик диагностикани ташкил этиш ва текширишни ўтказиш бўйича кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Мазкур маъруза матни Низомий номи Тошкент Давлат педагогика университети ўқув-услумий кенгашининг 2012 йил 1 апрел 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган

Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси фанининг мазмуни ва соатлар тақсимооти

№	Лекция мавзулари	Лекция	Амалий	Мустақил иш
		10	12	10
1	Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади, вазифалари ва қисқача тарихи	2		2
2	Нутқ бузилишларининг таснифи	2	2	2
3	Махсус психологияда психологик-педагогик тадқиқотларнинг концептуал асослари	2	2	2
4	Психологик-педагогик диагностика методлари ва уларга қўйиладиган талаблар	2	2	2
5	Логопсихологияда психодиагностик моделлар		2	
	Логопед ва психологнинг диагностик фаолияти		2	2
7		10	12	10

1-Маъруза. Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади, вазифалари ва қисқача тарихи

Режа

1.1.Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади ва вазифалари.

1.2.Психодиагностиканинг ривожланиш босқичлари

1.3.Психодиагностика ва логопедия соҳасидаги тадқиқотлар

Назорат саволлари

2-Маъруза. Нутқ бузилишларининг таснифи

Режа

2.1.Логопедия ва логопсихологиянинг алоқадорлиги

2.2.Нутқ бузилишларининг таснифи ва турлари

2.3.Дизонтогенез тушунчаси

2.4. Нутқ бузилишларининг сабаблари
Назорат саволлари

3-Маъруза. Махсус психологияда психологик-педагогик тадқиқотларнинг концептуал асослари

Режа:

- 3.1. Психологик-педагогик диагностиканинг тамойиллари
- 3.2. Психологик-педагогик диагностика методларига қўйиладиган талаблар, психологик-педагогик диагностиканинг асосий қоидалари
- 3.3. Диагностика ўтказишда учрайдиган хатолар
Назорат саволлари

4-маъруза. Психологик-педагогик диагностика методлари ва уларга қўйиладиган талаблар

Режа:

- 4.1. Психологик-педагогик диагностика методларининг таснифи
- 4.2. Логопсихологияда қўлланадиган психологик-педагогик методлар тавсифи: тестлар, кузатиш, анкеталаш, интервьюлаш, фаолият натижаларини таҳлил қилиш, проектив методикалар, социометрик метод, эксперт методи, эксперимент, боланинг ривожланиш тарихини ўрганиш методи
- 4.2. Психодиагностика методларини стандартлаштириш
Назорат саволлари

5-маъруза. Логопсихологияда психодиагностик моделлар

Режа:

- 5.1. Нейропсихологик модель
- 5.2. Психотерапевтик модель
- 5.3. Диагностиканинг педагогик модели
- 5.4. Логопед ва психологнинг диагностик фаолияти
Назорат саволлари

1-Маъруза.

Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади, вазифалари ва қисқача тарихи

Режа

1. Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади ва вазифалари.
2. Психодиагностиканинг ривожланиш босқичлари
3. Психодиагностика ва логопедия соҳасидаги тадқиқотлар

Назорат саволлари

1.1. Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади ва вазифалари

Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси курсининг асосий мақсади ва вазифаси курс тингловчиларига болалар ва ўсмирлар нутқидаги камчиликлар таснифини бериш, нутқида нуқсони бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси йўллари, методлари билан таништириш, психологик-педагогик диагностикани ташкил этиш ва текширишни ўтказиш бўйича билим беришдан иборат.

Бу курсни ўрганиш натижасида курс тингловчилари қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим:

- нутқ бузилишларининг сабабларини билиш;
- нутқ бузилишларининг таснифига оид билимларни эгаллаш;
- сенсор, интеллектуал ва ҳиссий патологияда нутқ ривожланишининг бузилишларини дифференциация қилиш малакасига эга бўлиш;
- психологик-педагогик тадқиқ этишнинг концептуал асосларини билиш;
- психологик-педагогик диагностика методлари ва уларга қўйиладиган талабларни билиш;
- логопеднинг диагностик (ташхис қилиш) фаолиятининг мазмуни ва уни ташкил этишни билиш;
- психологик-педагогик-логопедик текшириш бўйича хулоса тузиш ва амалий тавсиялар бериш.

Ушбу курсни ўқишда психология, логопедия, логопсихология,

2.4. Нутқ бузилишларининг сабаблари
Назорат саволлари

3-Маъруза. Махсус психологияда психологик-педагогик тадқиқотларнинг концептуал асослари

Режа:

3.1. Психологик-педагогик диагностиканинг тамойиллари

3.2. Психологик-педагогик диагностика методларига қўйиладиган талаблар, психологик-педагогик диагностиканинг асосий қоидалари

3.3. Диагностика ўтказишда учрайдиган хатолар
Назорат саволлари

4-маъруза. Психологик-педагогик диагностика методлари ва уларга қўйиладиган талаблар

Режа:

4.1. Психологик-педагогик диагностика методларининг таснифи

4.2. Логопсихологияда қўлланадиган психологик-педагогик методлар таснифи: тестлар, кузатиш, анкеталаш, интервьюлаш, фаолият натижаларини таҳлил қилиш, проектив методикалар, социометрик метод, эксперт методи, эксперимент, боланинг ривожланиш тарихини ўрганиш методи

4.2. Психодиагностика методларини стандартлаштириш
Назорат саволлари

5-маъруза. Логопсихологияда психодиагностик моделлар

Режа:

5.1. Нейропсихологик модель

5.2. Психотерапевтик модель

5.3. Диагностиканинг педагогик модели

5.4. Логопед ва психологнинг диагностик фаолияти

Назорат саволлари

1-Маъруза.

Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади, вазифалари ва қисқача тарихи

Режа

1. Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади ва вазифалари.
2. Психодиагностиканинг ривожланиш босқичлари
3. Психодиагностика ва логопедия соҳасидаги тадқиқотлар

Назорат саволлари

1.1. Психологик-педагогик диагностика фанининг мақсади ва вазифалари

Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси курсининг асосий мақсади ва вазифаси курс тингловчиларига болалар ва ўсмирлар нутқидаги камчиликлар таснифини бериш, нутқида нуқсони бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси йўллари, методлари билан таништириш, психологик-педагогик диагностикани ташкил этиш ва текширишни ўтказиш бўйича билим беришдан иборат.

Бу курсни ўрганиш натижасида курс тингловчилари қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим:

- нутқ бузилишларининг сабабларини билиш;
- нутқ бузилишларининг таснифига оид билимларни эгаллаш;
- сенсор, интеллектуал ва ҳиссий патологияда нутқ ривожланишининг бузилишларини дифференциация қилиш малакасига эга бўлиш;
- психологик-педагогик тадқиқ этишнинг концептуал асосларини билиш;
- психологик-педагогик диагностика методлари ва уларга қўйиладиган талабларни билиш;
- логопеднинг диагностик (ташхис қилиш) фаолиятининг мазмуни ва уни ташкил этишни билиш;
- психологик-педагогик-логопедик текшириш бўйича хулоса тузиш ва амалий тавсиялар бериш.

Ушбу курсни ўқишда психология, логопедия, логопсихология,

махсус психология ва махсус педагогика, махсус методика фанларидан олинган билимларга асосланилади.

Психодиагностиканинг *объекти* – нутқ бузилишларига эга ҳар хил ёшдаги кишиларнинг шахси, интеллкти ва фаолиятининг ривожланиш қонуниятлари. Психологик-педагогик методлар ёрдамида болаларнинг психик ривожланиш даражаси аниқланади, барча билиш жараёнларига баҳо берилади, бола ўз ёшига кўра эгаллаши лозим бўлган малакалар ва кўникмаларнинг шаклланиш даражаси аниқланади.

Психодиагностика *предметини* нутқи бузилган шахсларда психик жараёнларнинг ривожланиш даражаси, , психик функцияларнинг шаклланиши, психик ҳолатларнинг мавжудлиги ва ифодаланганлиги, нуқсонга эътибор бериш даражаси, индивидуал қодииятлари ташкил этади.

Психологик-педагогик диагностика *вазифалари*:

- нуқсон структурасида бирламчи ва иккиламчи сабаларнинг нисбатини аниқлаш;
- у ёки бу нутқ бузилиши учун хос бўлган иккиламчи психологик симптоматикани аниқлаш;
- ҳар хил генездеги нутқ бузилишларида психик ривожланишнинг умумий ва ўзига хос қонуниятларини аниқлаш;
- нутқ бузилишларининг шахс шаклланишига таъсирини аниқлаш;
- психокоррекция ва психотерапия методларини аниқлаш;
- психотерапия ва коррекциянинг самарадорлик мезонларини аниқлаш ва биргаликдаги таъсирининг баҳоларини белгилашдан иборат.

Психологик-педагогик диагностика психологик-лингвистик меъёрлар асосида аввалам бор нутқий симптоматика (симптомологик даража)ни аниқлашга қаратилади. Нутқий бузилишлар таҳлилининг симптомологик даражаси болалар тили (нутқи) ривожланмаганлигининг ташки белгилари (симптомлари)ни тавсифлаш, нутқнинг етарли даражада ривожланмай қолган компонентлари (тўлиқ ривожланмаганлик, фонетик-фонематик ривожланмаганлик ва ҳ.к.)ни аниқлаш

имконини берадики, бу, ўз навбатида, болаларни болалар боғчаларининг тегишли гуруҳлари ёки муайян турдаги мактабга йўллаш учун асос вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, нутқ бузилишларининг симптомологик даражасини аниқлаш аввалам бор гуруҳларни шакллантириш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради ва нутқ патологияси характерини аниқлаш учун шарт-шароитларни яратади.

Маълумки, бир хил патологияда (нутқ бузилиши шаклида) тил тизими турлича камчиликларга эга бўлиши мумкин. Ва, аксинча, бир хил симптоматика (белгилар) нутқ бузилишининг механизмларига кўра турли шаклларда кузатилиши мумкин. Масалан, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги дизартриянинг яширин шаклида ҳам, мотор алалияда ҳам, болалар афазиясида ҳам кузатилиши мумкин.

Олиб бориладиган логопедик иш жараёнида эса нутқнинг ривожланмаганлик даражаси, бузилган компонентларини ҳам, нутқий бузилишлар механизмлари ва шакллари ҳам ҳисобга олиш ғоят муҳим. Логопедик фаолиятга тегишли бу ҳар иккала жиҳатнинг бирлиги нутқ бузилишларини имкон даражада дифференциаллашган ҳолда коррекциялашга ёрдам беради.

Логопедик ташхислаш умумийдан хусусийга қараб олиб борилиши лозим. Яъни бунда нутқ симптомлари (белгилари)нинг бутун мажмуини аниқлашдан нутқ патологияси механизмларини, шунингдек нутқий ва нутқий бўлмаган симптоматиканинг (белгиларнинг) ўзаро алоқаларини аниқлаштиришга, нутқ камчилиги тузилишини аниқлашга ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Клиник-педагогик диагностика клиник синдромларга қатъий равишда боғлиқ эмас. У диққат-эътиборни асосан логопедик таъсир кўрсатиш объекти бўлиши лозим бўлган нутқ бузилишларига қаратади.

Логопедик хулосани тузиш жараёнида у ёки бу логопедик ташхисни аниқлаш имконини берадиган тиббий маълумотлар, клиник тавсифларга кўпроқ эътибор берилади. Клиник тавсифлар нутқни коррекция қилиш ва ривожлантириш тизимида эмас, асосан нутқ бузилишларининг юзага келиш сабабларини аниқлашга, болани даволашга йўналтирилган бўлади.

1.2. Психодиагностиканинг ривожланиш босқичлари

Психодиагностика психологиянинг амалиёт билан бевосита боғланган соҳасидир. Унинг бутун тарихини икки босқичга бўлиш мумкин: қадимги эмпирик босқич ва илмий босқич.

Қадим замонлардан буён инсонлар кишининг психик сифатларини баҳолаш учун турли усуллардан фойдаланиб келганлар. Одамнинг қандайлигини англай олиш малакаси барча халқалар томонидан жуда юқори баҳоланиб келган., бу малака билан боғлиқ бой ҳаётий тажриба эса кўплаб мақоллар ва маталлар кўринишида сақланиб келган.

Инсониятнинг бутун тарихи давомида одамларни у ёки бу фаолият турини амалга ошириш учун танлаш зарурати турган, бунинг учун уларнинг ақли, сабр-тоқати, садоқати ва бошқа сифатлари синовдан ўтказилган. Милоддан аввалги III асрдаёқ Қадимги Бобилда котиблар мактаби битирувчиларини турли синовлардан ўтказар эдилар ва улардан ўтган котиблар масъул давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқини қўлга киритар эдилар. Бу синовлар котибнинг тўртта арифметик амални билиши, далаларни ўлчаш, мол-мулкни тақсимлаш малакалари, куйлаш, мусиқа асбобини чала олиш қобилияти, шунингдек матолар, металлар ва ўсимликларни ажратиш малакасини текширишга қаратилган эди.

Яна бир мисол. Қадимги Мисрда коҳин бўлиш учун, номзод мураккаб синовлардан ўтиши лозим эди. Синов олди суҳбати давомида у ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб бериши ва билимларини намоёиш этиши талаб қилинган. Бунда коҳинликка номзоднинг ташқи кифаси ва суҳбат олиб бориш малакасига ҳам эътибор берилган. Кейин у меҳнат қилиш, тинглаш ва жим туриш, ўт ва сувга дош бериш синовларидан ўтказилган, кўрқувни егна олишини текшириш учун, маълум вақт давомида ёлғиз ўзи қоронғи ертўлада ушлаб турилган.

Маълумки, қадимги Римда нотиқлик саъати алоҳида ўрин эгаллаган. Шунинг учун бу ерда болаларнинг нути, талаффузига эрта ёшидан оқ катта эътибор берилган. "Нотиқ тарбияловчи" сифатида шуҳрат қозонган М.Ф.Квентилиан болалар нутқининг ўзгаришига, нутқда учрайдиган нуксонларга катта эътибор берди.

У болаларнинг нутқи ёшлик чоғиданоқ соф бўлиши учун курашди ва шу сабабли болаларни уйда тарбияламоқ учун олинадиган энага ва мураббийларнинг талаффузи ҳам яхши

бўлиши керак, деб уктирди. Шунингдек, Квентилиан мусикий таълим бериш масаласига ҳам боланинг нуткини яхшилаш нуқтаи назаридан қаради. Мусиқа ва тилни ўрганиш талаффузнинг яхшиланишига ёрдам беради, нутқнинг услубини яхшилайдди, уни ифодали нутқга айлантиради, деб айтган.

Қадимги даврнинг машҳур олими Пифагор, Мисрда барча синовлардан ўтиб тегишли таълим олгач, Грецияга келиб ўз мактабига ўқувчиларни танлашда шунга ўхшаш синовлардан фойдаланган. Шу билан бирга у ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятига кўпроқ эътибор қаратган ва бунинг учун уларнинг математик масалаларни еча олишига қаратилган синовлардан фойдаланган.

Бироқ ҳозирда бу каби синовлар методларини илмий асосланган деб бўладими? Албатта, йўқ. Ҳозирги замон психологик диагностика (аниқлаш) методлари психологиянинг фан сифатида шаклланиши учун анча узоқ ва катта меҳнатни талаб қилган йўлни босиб ўтиши натижасида юзага келди.

Психологик диагностиканинг фан сифатида шаклланишидан олдин психиатрик ва педагогик амалиёт узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бироқ бу йўлда экспериментал психологиянинг юзага келиши муҳим воқеа бўлди. XIX асрга келиб барча фанлар, шу жумладан физиология ҳам ниҳоятда тез авж олди. Механика ва физиканинг фаол ривожланиши, ҳар хил ўлчовларга бўлган оммавий кизиқиш психофизиологик лабораторияларни яратиш имконини бердики, уларда одам организмнинг турли функциялари (сезги, идрок, ҳар хил кўзғовчиларга организмнинг жавоб бериш вақти ва ҳ.к.) ўрганилди. Бу каби синовлар асосан ҳайвонларда ва имкон даражада одамларда ўтказилар эди. Бу йўлда олмониялик тадқиқотчи В.Вундт (1832-1920) биринчилардан бўлди. У ўз илмий йўлини физиолог сифатида бошлаган олим кейинчалик инсон психикасини экспериментал ўрганиш мумкинлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди ва уни ўзининг “Сезиш идроки назарияси” (1862) китобида баён қилди. В.Вундт билан деярли бир вақтда бошқа бир олим Густав Теодор Фехнер (1801-1887) ҳам ўзининг “Психофизика элементлари” (1860) китобида ўхшаш фикрларни билдирди. В.Вундт экспериментал психологиянинг ўз тадқиқот методлари билан фарқланадиган иккита йўналишига асос солди. Биринчиси энг содда психофизик жараёнлар учун – лаборатория (объектив) йўналиши. Бунда қатъий ўлчовлар қўлланади.

Иккинчиси интроспекция, яъни ўзини-ўзи кузатиш методи — тил билан боғлиқ таълимга лаёқатлиликини текшириш учун.

Экспериментал психология интроспекция ёрдамида соғлом катта одамларнинг ички психик жараёнларини ўрганишдан аста-секин болаларни ва руҳий касал одамларни ўрганишга ўтди.

Амалий психологиянинг муҳим бўлимини психологик диагностика ташкил этади. Унинг тадқиқот методлари билан умумий жаҳатлари жуда кўп, бироқ ўзига хос тадқиқот методлари ҳам мавжуд.

Психологик диагностиканинг шаклланиши ва ривожланиши XIX асрга тўғри келади. Бу даврга келиб амалиёт талаблари таъсири остида инсонни дифференциал-психологик тадқиқ этиш соҳаси шакллана бошлади. Психологик диагностиканинг шаклланиши ҳам мана шу жараён билан боғлиқ. XIX асрнинг охирига келиб “индивидуал психология” шаклланди. Унинг бош мақсади инсон хусусиятларини экспериментал-психологик методлар билан ўрганишдан иборат бўлди. Индивидуал психологиянинг дастлабки ютуқлари сифатида В.Вундтнинг ўқувчилари бўлган Э.Крепелин ва Ж.Кеттеллнинг, шунингдек А.Бине, А.Лазурский каби олимларнинг тадқиқотларини келтириш лозим. XIX асрда психиатрияда ақли заиф ва руҳий касал одамларга нисбатан муносабатда инсонпарварликлик кучайиши томонига кескин бурилиш содир бўлди. Бундай одамларни аниқлаш ва таснифлаш, хусусан ақли заиф ва руҳий касалларни бир-биридан ажратиш учун ягона мезонларга эҳтиёж туғилди.

Психологик диагностиканинг ривожланишида француз олими А.Биненнинг хизматлари жуда катта. У оддий мактабда ўқиш жараёнида қийинчиликларга учраётган болаларни мактабдан ҳайдашдан олдин, текшириб кўриш ва улар таълим олишга лаёқатли топилса, махсус мактабларга юбориш зарурлигини қаттиқ талаб қилди. Бу соҳада кунт билан, астойдил олиб борилган иш ақли заифлар мактабига болаларни танлаш учун тестлар тўпламининг нашр этилиши билан якунланди. Бу тўплам у ёки бу қўшимчалар ва ўзгартишлар билан ҳозирги пайтгача бутун дунёда қўлланиб келади.

XIX аср охирига келиб, кишининг етакчи ақлий имкониятларини ўрганишга бўлган амалий эҳтиёж индивидуал фарқларни тадқиқ этишга қаратилган илмий муаммонинг кун тартибига чиқишига сабаб бўлди. Бу муаммонинг ҳал қилинишида

ва психологик таъхислаш амалий психологиянинг бир соҳаси сифатида шаклланишида инглиз биологи Ф.Гальтоннинг хизматлари катта. У кишининг умумий ақлий қобилиятларини психометрик тажрибалар ёрдамида ўрганишни таклиф этди. Олим инсон ирсиятини у билан қариндош-уруғчилик муносабатларида бўлган ва бўлмаган кишиларнинг ривожланиш хусусиятларини билмай туриб ўрганиш мумкин эмаслигини англаб етди. Мана шундай маълумотларга эга бўлиш орқалигина, у, масалан, ота-оналар ва уларнинг фарзандлари, ака-укалар ва опа-сингиллар, амакивачча ва тоғаваччалар ёки эгизаклар ўрасидаги ўхшашлик даражасини аниқлай олар эди. бу мақсадда Ф.Гальтон кўплаб ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг кенг ва мунтазам антропометрик текширувини олиб борди.

Ф.Гальтон ўз лабораториясида қўлланган тестларнинг кўпини ўзи шахсан ишлаб чиқди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам қўлланади ва ўз муаллифининг номи билан юритилади. Масалан: узунликни кўриб фарқлаш учун Гальтон чизгичи; товуш баландлигини идрок этиш чегарасини аниқлаш учун Гальтон хуштаги. Ф.Гальтон, файласўф Ж.Локк таълимотига таяниб, сенсор фарқлаш тестлари ёрдамида инсон интеллектига баҳо бериш мумкин деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, одамнинг сезги органлари атроф муҳитни қай даражада яхши англаса, улар интеллект ва ақлнинг ривожланиши учун шунча кенг майдон яратади. Масалан, идиотияда (ақли заифликнинг чуқур даражаси) одам на иссиқ, на совуқ ва на оғриқни сезмаслиги олимнинг бу фикрини тасдиқлайди деса бўлар эди.

Ф.Гальтон амалиётда баҳолаш шкалалари, эркин ассоциациялар техникаси ва анкеталашдан фойдаланган биринчи тадқиқотчи эди. Кейинчалик улардан турли мафсадларда фойдаланиб келинди. Индивидуал фарқлар бўйича олинган маълумотларнинг таҳлили учун математик статистика методларини ишлаб чиқишда ҳам унинг хизматлари катта. Бу методни муваффақиятли давом эттирган олимлардан бири Ф.Гальтоннинг истеъдодли ўқувчиси Карл Пирсон (1857-1936) бўлди.

Шундай қилиб, текширув вазибалари ва синовларини танлашда интуицияга асосланиш устунлик қилган узоқ даврдан сўнг илмий психология томонига салмоқли кадам қўйилди. Экспериментал психология соҳасига Ф.Гальтон томонидан қўшилган ҳиссани физика соҳасидаги Галилей хизматлари билан қиёслаш мумкин.

Психологлар учун ташхислашда энг катта қийинчилик туғдирадиган соҳа бу одам шахсияти эди. Интеллектни ўлчаш борасида тўпланган тажриба, психик ҳодисаларни ҳақиқатга яқин текшириш мезонларининг ишлаб чиқилиши инсон психикасининг ушбу энг нозик ва мураккаб ҳилкатини ҳам ўрганишга имкон яратди. Инсон шахсиятига хос характеристикаларни ўлчашда хатти-ҳаракатлар (ёки ситуацион) тестлар қўллана бошлади. Бу тестлар синовдан ўтаказилаётган одамга ниҳоятда мавҳум вазифага ўз муносабатини билдиришда катта эркинлик беради. Катталар ҳам, болалар ҳам бажонидил вазифаларни ўзларича яхшилаб ўйлаб, уларга ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб маъно бахш этадилар ва маромига етказадилар. Бу ҳодиса психологияда апперцепция номини олди.

Бундай тестлар қаторига гапларни тугатиш талаб қилинган тестлар киради. Болалар билан ишлашда расм солиш, ўйинчоқларни жой-жойига қўйиш, драматик саҳналар импровизацияси, расмлар ва сиёҳ томчиларини ўзларича “тугатиш” тестларини қўллаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай психологик диагностика методикаси аниқ ва қатъий талабларга, хусусан ишончлилик ва валидлик талабларига жавоб бериши лозим. Бусиз улардан фойдаланиш мумкин эмас. Диагностикада қўлланадиган воситаларнинг амалий таъсирчанлигини таъминлайдиган омил бу уларнинг назарий жиҳатдан асосланганлигидир. Зеро назария методиканинг нафақат тузилишини (текшириш ўтказиш усуллари ва материали), балки олинган натижаларни изохлаш усуллари ҳам белгилаб беради.

Логопсихология фанининг ривожланиши бир неча босқичда кечади:

1. Клиник босқичи:

Нутқий бузилишлар логопедия фанининг тадқиқот объекти бўлган, нутқий патологияли болаларни ўрганиш XIX-XX асрга тўғри келади. Нутқ нуқсони мавжуд болаларни ўрганиш терминологияси турли босқичларда турлича бўлган.

1920 йилларда Россияда оғир нутқий бузилишлар нутқда пайдо бўлгунга қадар, “алалия” термини билан ифодаланган. Чет элда бу бузилиш “ривожланиш афазияси”, “конституционал нутқнинг тўхташи”, “туғма афазия” (А.Л.Кентон, Ф.Жилр, Ф.Кохар) деб номланган.

Нутқ бузилишларининг дастлабки таснифи А.Куссмаулнинг (1877) типологияси ҳисобланади. Куссмауль нутқ бузилишлари ҳақида нотўғри тасаввурга эга деб эътироф этилиб танқидга учраган. Бу тасниф XX асрнинг биринчи чорагида чет эл ва рус тадқиқотчиларининг илмий ишларида кенг қўлланган (Г.Гутцман, Э.Фрешельс, С.М.Дебрагаев). Улар илгари сурган таснифларда умумий жиҳатлар кўп эди (Клиник ёндошув лотин ва грек сўз ясовчи элементларидан ташкил топган тил таснифи). Лекин таснифлар ўртасидаги фарқ бузилишларни гуруҳлашда номлаш, қўлланилаётган кўрсаткичлар борасида ифодаланган.

Таснифлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, уларнинг таркибидаги соддаликлар XX аср илм-фан ютуқлари олдида яққол кўзга ташланиб қолди:

1. Педагогик босқичи:

Рус олимлари М.Е.Хватцев, Ф.А.Рау, О.В.Правдина, С.С.Ляпидевский ва бошқа олимлар клиник таснифга ўзгартиришлар киритади. Натижада бир шаклга кирувчи нутқий бузилишлар ҳақидаги тасаввурлар аҳамиятга молик даражада ўзгаради.

Лекин ўзгаришлар клиник терминологик аппаратнинг ўзгаришга олиб келмайди. Тушунча ва терминлар тиббиётда, логопедияда қўлланилгандек бир хиллигича қолаверади.

Болаларда нутқий бузилишлар патологияси, типологияси ва таснифи катталар ва болалар нутқ бузилишлари чекланмасдан таснифланган типологияга асосланиши далилланади. Бу таъйинлар Р.Е.Левина томонидан асосланган.

Логопедияда нутқий бузилишлар таснифи педагогик ва психологик-педагогик ва замонавий таснифи сифатида ўрганилган.

1.3. Психодиагностика ва логопедия соҳасидаги тадқиқотлар

Илмий-тадқиқот методларига асосланган психологик диагностиканинг фан сифатида шаклланиши XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу даврга келиб, механика, физика, физиология ва бошқа фанлар янги ривожланиш босқичини бошидан кечирди. Бу психология ва унинг муҳим амалий соҳаси бўлган психологик диагностиканинг жадал ривожланишига сабаб бўлди. Бунда В.Вундт, унинг ўқувчилари Э.Крепелин ва Ж.Кеттелл,

шунингдек Ф.Гальтон, А.Бине каби олимларнинг хизматлари катта бўлиб, улар бу соҳада биринчилардан бўлиб психологик диагностиканинг мазмуни, методлари, воситаларини замонавий фанларнинг ютуқларига асосланган ҳолда ишлаб чиқдилар ва амалиётда қўлладилар (бу ҳақда юқоридаги бўлимга қаранг).

Анъанавий тиббиёт ва физиология заминида ўсиб етилган рус психология фанининг жадал ривожланиши ҳам XIX аср ўрталари ва XX аср бошларига тўғри келади. Рус олимлари психик жараёнларни шарҳлашда, ғарб олимларидан фарқли ўларок, материалистик нуқтан назардан келиб чиқдилар. Бу фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган рус физиолог олимлари И.М.Сеченов (1829-1905) ва И.П.Павлов (1849-1936) психик фаолиятнинг миёда юзага келадиган механизмларини, шунингдек бу фаолиятнинг шаклланиши ва амал қилишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий шарт-шароитларни аниқлашга алоҳида эътибор бердилар.

Невропатолог ва психиатр Г.И.Россолимо 1909 йилда Москва университетида умумий ривожланишнинг микдорий баҳолаш методикасини яратди. Ўз даври учун илғор бўлган бу методика Россия ва ундан ташқарида “Психологик профиллар” номи билан кенг шухрат қозонди ва қўлланди. Унинг ёрдамида мактаб ёшидаги болаларнинг (бир ёш интервал билан) ақлий ва психик ривожланиш даражаси мактаб дастурларини ўзлаштириш кўрсаткичлари ёрдамида текширилди ҳамда заиф ўзлаштираётган болаларнинг ҳар хил гуруҳлари ажратиб кўрсатилди. Шунингдек турли асаб ва психик касалликларга, шу жумладан мотор афазияга чалинган беморлар ҳам шу методика асосида текширилди. Ҳозирги пайтда у қўлланмайди, бироқ психологик диагностиканинг ривожланишида муҳим босқич вазифасини ўтайди: бир қатор замонавий методикалар унинг асосида яратилган.

Психологик диагностика методларини ишлаб чиқишда психиатр Ф.Е.Рибоковнинг (1868-1920) хизматлари катта. Унинг томонидан ишлаб чиқилган махсус қобилиятлар тести фазовий тасаввурларнинг ривожланиш даражасини аниқлашга қаратилди. Тест геометрик шакллар тасвирларининг йиғиндисидан ташкил топади (жами 45та шакл). Улардан квадратлар ҳосил қилиш талаб этилади. Вазифани бажаришга чекланган вақт ажратилади. Уни баҳолаш учун тўғри бажарилган вазифалар сони ҳисоблаб чиқилади. Ҳозирги пайтда тестнинг бир нечта такомиллаштирилган

вариантлари мавжуд бўлиб, улар кишининг техник қобилиятини ташхислашда, меҳнат психологияси соҳасида қўлланиб келади. Рибоковнинг хизмати яна шундаки, унинг томонидан 1910 йилда нашр этилган “Шахсни экспериментал психология методлари билан ўрганиш атласи” педагогик ва тиббий-диагностик масалаларни ҳал этишга қаратилган эди.

Психолог А.Ф.Лазурский (1874-1917) томонидан таклиф этилган табиий эксперимент методикаси ҳам ўз даври учун катта янгилик бўлди ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу методиканинг моҳияти қуйидагича. Кишининг турли шароитлардаги психик ҳолатини ўрганишда табиий муҳитда тадқиқот учун қулай омилларнинг юзага келишини узоқ кутишга тўғри келади, шунинг учун, синовдан ўтаётган кишининг ўзини хабардор қилмай туриб, уни турли шароитларга туширамиз ва шу йўл билан тадқиқот мақсади бўлган омилларнинг киши ҳуқ-атворига таъсирини текширамиз.

Рус психиатри Н.И.Озерский (1893-1955) томонидан ишлаб чиқилган моторикани баҳолаш шкаласи психодиагностиканинг ривожланишида муҳим қадам бўлди. У 1923 йилда “Болалар ва катталарда моторикани баҳолашнинг оммавий методи” номи билан нашр этилди. Бу методика жаҳон бўйлаб эътироф этилди. У кўплаб европа тилларига таржима қилинибгина қолмай, балки келгуси ишланмалар учун ҳам асос вазифасини ўтади. Методикада тадқиқот ўтказиш ва олинган натижаларни таҳлил этиш процедураси батафсил ишлаб чиқилган.

Келгусида бир қатор янги диагностика методларининг юзага келишида П.П.Блонский (1884-1941) ва Л.С.Вигодскийнинг (1896-1934) назарий тадқиқотлари муҳим туртки бўлди. Бу олимларнинг концепцияси бўйича инсон психикасининг шаклланишида ижтимоий шарт-шароитлар етакчи ўрин эгаллайди.

Л.С.Вигодскийнинг генетика (ёки тарихий психология) соҳасидаги назарий ишланмалари коррекцион педагогиканинг ривожланишига катта туртки бўлди. Олимнинг бу соҳадаги изланишлари А.Я.Иванова томонидан 1973 йили таклиф этилган методикада ўзининг ёрқин ифодасини топди. У 5-9 ёшдаги болаларнинг таълим олиш имкониятларини баҳолашга мўлжалланган. Бунда асосий текшириш материали сифатида шакли, катта-кичиклиги ва ранги ҳар хил геометрик шакллар тасвирланган карточкалардан фойдаланилади. Боладан

карточкаларда тасвирланган шакллари мана шу учта белги бўйича кетма-кет ажратиб чиқиш талаб қилинади.

Психология ва психологик диагностика ютуқлари, табиийки, махсус педагогиканинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Боланинг психик ва руҳий ривожланишида нутқнинг аҳамияти бекиёсдир. Барча психик жараёнлар – идрок, хотира, тасаввур, тафаккур, хулқ-атвор – нутқ иштирокида шаклланади (Л.С.Виготский, А.Р.Лурия, А.В.Запорожец). Нутқ нуқсонига эга болаларда интеллектуал ривожланиш суръати одатда орқада қолади. У атрофдагилар билан кам мулоқотга киради, шунинг билан боғлиқ ҳолда тасаввур доираси чекланган бўлади, тафаккурнинг ривожланиш суръати ҳам орқада қолади. Демак, нутқ ва психиканинг ривожланиши бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини белгилайди. Бу ҳодисани махсус психологиянинг таркиби бўлган логопсихология фани ўрганади.

Нутқий ва руҳий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги, ўз навбатида, коррекцион-педагогик ёрдам мазмуни ва усуллари белгилаб беради. Бу муаммо билан боғлиқ масалалар А.Куссмауль, П.Мори, М.В.Богданов-Березовский, Р.А.Белова-Давид, Е.А.Кириченко тадқиқотларида тадқиқ этилди.

Муаллифлар нутқдаги бирламчи бузилишлар интеллектуал даражага, психик ривожланишнинг орқада қолишига таъсир кўрсатишини экспериментал тадқиқотлар асосида кўрсатиб бердилар. Бу борада, айниқса, Р.Е.Левинанинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Р.Е.Левина нутқ бузилишларида билиш фаолияти бузилиши ҳам юз беришини кўрсатади. Бу нуқтан назар бир қатор олимларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган (Т.А.Власова – 1972, В.И.Лубовский – 1975, Л.С.Цветкова – 1985, И.Т.Власенко - 1990).

Маълумки, нутқ мураккаб функционал тизимни ўз ичига олувчи жараёндир. Бу тизимнинг ҳар бир таркибий қисми бошқа қисмлар билан боғланган. Р.Е.Левина ва унинг шогирдлари, Л.С.Виготскийнинг нутқ ва тафаккур ҳақидаги таълимотига асосланиб, нутқ бузилишларини уч қисмга бўлиб ўрганадилар: фонетик-фонематик, лексик ва грамматик.

Муаллиф, гапирмайдиган алалик болалардаги нутқ бузилишларини тўрт гуруҳга ажратади:

- нутқ камчиликларининг фонематик идрок бузилишлари билан боғлиқлиги;

- нутқ камчиликларининг фазовий тасаввурлар бузилиши билан боғлиқлиги;

- нутқ камчиликларининг мотивация-эҳтиёж доираси бузилишлари билан боғлиқлиги;

- нутқ камчиликларининг кўрув идрок бузилишлари билан боғлиқлиги.

Нутқ бузилишлари жараёнида нутқ ва билиш фаолияти муносабатини Е.М.Мастюкова ҳам тадқиқ этган. Олиманинг фикрича, болаларда нутқ камчиликлари мономорф ёки полиморф бўлади, келиб чиқиш ўрнига кўра икки шакли фаркланади: марказий ва периферик. Улар эса ўз навбатида органик ва функционал бузилишлар сифатида намоён бўлади ва дифференциал ёндошувни талаб этади.

Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурия тадқиқотлари натижалари асосида нутқ руҳий қобилияти ва хусусиятлари инсонга туғилиши билан берилмайди, балки таълим-тарбия таъсири остида, жамиятдаги шарт-шароитлар асосида шаклланади деган фикр илгари сурилди. Инсон руҳий хусусиятлари субстракти фақат туғма нерв механизмларигина эмас, балки функционал тизим ҳам ҳисобланади (А.В.Запорожец, Л.А.Венгер).

Логопсихологиянинг назарий асослари Л.С.Виготскийнинг тадқиқотларига асосланади. Бу назария асосида “нуқсон бирон анализаторнинг ягона функциясини эмас, балки бутун фаолиятнинг бузилишига олиб келади” деган фикр ётади.

Шундай қилиб, бирламчи нуқсон, нутқий тизимнинг шикастланиши махсус коррекцион-логопедик ёрдамсиз, иккиламчи ва учламчи бузилишларни юзага келтириши мумкин, булар:

- нутқнинг барча томонининг ривожланмаслиги;
- сенсор, фазовий ва бошқа тасаввурларнинг етишмовчилиги;
- хотиранинг чегараланганлиги;
- диққат концентрацияси ва мақсадга мувофиқлигининг етарли эмаслиги;
- умумлаштириш даражасининг пастлиги;
- ақлий хулоса чиқариш даражаларининг пастлиги;
- сабаб-оқибат алоқаларининг етарли даражада бўлмаганлиги.

О.Н.Усанова, Ю.Ф.Гаркуша, Н.Т.Синякова каби олимларнинг тадқиқотларида нутқ патологиясига эга болаларда диққат бузилишлари кўриб чиқилган. Уларнинг фикрича, бундай болаларда ихтиёрий диққатнинг пастлиги кузатилади, улар ўз

ҳаракатларини режалаштиришда ўзига хос қийинчиликлага дуч келадилар. Нутқи тўлиқ ривожламаган болаларни тадқиқ этишнинг илмий методикаси Р.Е.Левина ва унинг ўқувчилари томонидан ишлаб чиқилган (Г.А.Каше, Н.А.Никитина, Г.В.Чиркина, Т.Б.Филичева, Л.Ф.Спирова).

Нутқ нуқсонларининг турли шаклларида нутқий нуқсон тузилишига дифференциал ёндошиш таъминли С.С.Ляпидевскийнинг изланишларида тўлиқ ишлаб чиқилган. Олимнинг таъкидлашича: “Логопед нуқсоннинг ривожланиш шароитини, патогенезини ва анатомик-физиологик хусусиятини ва айниқса нутқий бузилишнинг тузилишини билиши зарур. Фақатгина шундагина логопедик ишлар илмий асосланган, самарали натижа бериши мумкин”.

Биз “болани ўрганар эканмиз, уни ўргатиб ҳам борамиз”. Бу ҳолдан логопедик текшириш методикасида, сўнгра нутқ камчилигига эга бўлган бола нутқини яхшилаш жараёнида ҳар хил шаклда ва аниқ фойдаланиш лозим.

Бир қатор тадқиқотларда болаларда нутқ нуқсонлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари масалаларига кенг ўрин ажратилган. Масалан, нутқ нуқсонларида товушлар талаффузи, бўғин тузилиши тизими Р.Е.Левина, Г.А.Каш, А.К.Маркова, О.Н.Усанова ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Р.Е.Левина, В.К.Орфинская, Н.Н.Траугот, С.Н.Шаховская, Г.А.Волкова, В.К.Воробьева, Б.М.Никитина, Т.Б.Филичева, Г.В.Чиркина, А.В.Ястребова, Е.Ф.Соботович ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларининг мавзуини нутқ нуқсонларида тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилишининг ўзига хослиги масалалари ташкил этади.

Л.С.Виготский нутқ ҳаракатларини идора қилишнинг бошланғич босқичи — бу эгоцентрик нутқ босқичи деб ҳисоблайди. Чунки бу даврда бола ўз хатти-ҳаракатларини, айнан шу ҳаракатларни ифодаловчи нутқ билан боғлайди. Яъни нутқ боланинг мақсадга йўналган фаолияти бўлиб хизмат қилади.

Тафаккурнинг муаммолари билан И.Переслени, Т.А.Фотекова, И.Т.Власенко ва бошқа олимлар шуғулланганлар.

Нутқида камчилиги бор болалар шахс сифатидаги хусусиятлари О.С.Орлова, Л.Е.Гончарук, Л.М.Шипицина, Л.С.Волкова ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Логопсихологиянинг тараққиётига Б.М.Гриншпун, О.Н.Усанова,

И.Т.Власенко, Т.Б.Филичева, Л.Г.Соловьева ва Н.С.Жуковаларнинг илмий тадқиқот ишларининг натижалари ижобий таъсир кўрсатган.

Назорат саволлари

1.Психологик-педагогик диагностика вазифалари нималардан иборат

2.Психодиагностиканинг қадимги эмпирик босқичи ҳақида гапириб беринг.

3.Психологик диагностиканинг фан сифатида шаклланиши қайси даврга тўғри келади ва бунда қандай олимларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди?

4.Ф.Гальтоннинг психодиагностикага қўшган ҳиссаси нималардан иборат?

5.Психодиагностика соҳасида энг муҳим ишларга таъриф беринг.

2-Маъруза

Нутқ бузилишларининг таснифи.

Режа

2.1. Логопедия ва логопсихологиянинг алоқадорлиги

2.2. Нутқ бузилишларининг таснифи ва турлари

2.3. Дизонтогенез тушунчаси

2.4. Нутқ бузилишларининг сабаблари

Назорат саволлари

2.1. Логопедия ва логопсихологиянинг алоқадорлиги

Логопедия – нутқ бузилишлари, уларни аниқлаш ҳамда таълим ва тарбия воситалари ёрдамида бартараф этиш методлари ҳақидаги фан. Адабий тилда қабул қилинган нутқ нормасидан бир оз бўлса ҳам четга чиқиш нутқ бузилишлари ёки нуқсонлари ҳисобланади.

Тарихан шундай қарор топганки, логопедия, демак логопсихология ҳам педагогика ва тиббиёт тўплаган билимларга асосланган ҳолда ривожланиб келган. Нутқ патологиясини илмий жиҳатдан ўрганиш ва коррекциялаш таҳминан яқинда, XIX асрнинг ўрталаридан бошланган. Бу жараён нутқ фаолиятини

камчилигининг айнан ўзигагина хос бўлган психик жараёнлар ўрганилади. Логопсихологиянинг объекти – туғма ёки орттирилган нутқ нуқсонига эга бўлган болалардир.

Логопсихология фанининг вазифалари:

- турли нутқ нуқсонига эга бўлган шахсларнинг психик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;

- нутқ нуқсонига эга бўлган болаларни билиш фаолиятидаги камчиликларни коррекциялаш, бартараф этиш;

- нутқ нуқсонларининг дифференциал диагностик методларини ишлаб чиқиш;

- нутқ нуқсонларида ҳиссий-иродавий соҳани ва шахслараро муносабатлардаги камчиликларни бартараф этиш методларини ишлаб чиқиш;

- нутқ нуқсонига эга шахсларнинг билиш фаолиятидаги ва ҳиссий-иродавий соҳасидаги камчиликларини олдини олиш учун мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Нутқ камчиликларига эга бўлган шахсларга кўрсатиладиган психокоррекцион ва психотерапевтик ёрдамнинг долзарб аҳамиятга эгаллиги ҳеч кимда шубҳа тугдирмайди. Сўнгги йилларда республикамизда бу соҳада қабул қилинган махсус ҳукумат қарорлари ва улар асосида олиб борилаётган амалий ишлар логопедик-коррекцион ишларнинг психодиагностика билан уйғунлиқда олиб борилишини талаб қилади.

2.2. Нутқ бузилишларининг таснифи ва турлари

Нутқ кўплаб фанларнинг тадқиқот предмети бўлиб хизмат қилади ва шу фанлар нуқтаи назаридан мураккаб ва ўзаро мослашган физиологик механизм, акустик ўзгаришлар мажмуи, лингвистик констркциялар тизими, ахборотни қабул қилиш, сақлаш, узатиш ва ишлаб чиқиш жараёни кўринишларида намоён бўлади.

Нутқ олий психик функциялар тизимида етакчи ўрин эгаллайди ҳамда кишиларнинг яратувчанлик фаолиятида тил воситасида ўзаро мулоқотнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилади. Л.С.Виготский бола нутқининг унинг атрофидаги катта кишилар таъсири остида шаклланиш механизмларини кўрсатиб берди. Аввал катталар унга нутқий кўрсатмалар берадилар (“қошиқни ол”, “уйинчоғингни менга бер” ва ҳ.к.), бунга жавобан бола номи

айтилган предметни кўзи билан топади ва кўрсатмани бажаради. Бола фақат ўзи нутқни эгаллагандагина, ўзига-ўзи буйруқлар, нутқий кўрсатмалар бера бошлайди (аввал овоз чиқариб, кейин ичида) ва ўз хатти-ҳаракатларини уларга буйсундиради, яъни бола ва катта одам ўртасида тақсимланган функция энди шахснинг психик фаолиятининг олий шакллари ташкил этиш усулига айланади. Олий психик функцияларнинг ривожланиш қонуни ҳам айнан мана шунда.

Нутқ кишилар ўртасида ўзаро алоқа жараёни ва тафаккур фаолиятининг механизми сифатида олиб қаралар экан, психологлар унинг ўзаро узвий алоқада бўлган иккита функциясини ажратиб кўрсатадилар: алоқа (коммуникатив функция) ва тафаккур (нутқий тафаккур функцияси). Коммуникатив нутқда, ўз навбатида, хабар бериш ва ҳаракатга даъват этиш функциялари фарқланади. Нутқ у ёки бу предметлар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар, сифатлар, белгилар ва ҳ.к.ни билдиргани туфайли фикрларни ифодалаш воситаси, шакли сифатида хизмат қилади. Демак бу билан боғлиқ ҳолда у семантик функцияни бажаради. бироқ нутқнинг аҳамияти тафаккур жараёнида бу билан чекланиб қолмайдиган ижтимоий-белгили тизим сифатида ўзлаштирар экан, одам тил билан узвий алоқада бўлган тафаккурнинг мантикий шакллари ва операцияларини ҳам эгаллаб боради. Нутқ атроф воқеликдаги предметлар ва ҳодисаларни анализ ва синтез қилиш, солиштириш ва умумлаштириш воситасига айланади. Шунга кўра аввалам бор экспрессив ва импрессив нутқ фарқланади.

Экспрессив (эслаш) нутқ – бу тил ёрдамида ўз фикрини баён қилиш мақсадида ташқарига йўналтирилган нутқ. У бир қанча босқичлардан ўтади: *ғоя* – *ички нутқ* – *ташқи нутқ*.

Импрессив (идрок қилиш) нутқ – бу атрофдагилар нутқини идрок қилиш, тушунишга асосланган нутқ тури. У оғзаки ёки ёзма шаклларга эга. Бир қанча босқичлардан ўтади: нутқий хабарни идрок қилиш – ахборот лаҳзаларини ажратиш – идрок қилинган умумий маънодаги схемада ички нутқни шакллантириш.

Нутқ турларининг янада кенгрок таснифи мавжуд бўлиб, унга кўра *оғзаки*, *ёзма*, *ички*, *автоном*, *эгоцентрик*, *дактил*, *имомшорали* нутқ турлари фарқланади.

Эшитиб идрок этиладиган нутқий воситалар ёрдамида амалга ошириладиган вербал (сўзли) алоқани *оғзаки нутқ* деб аташ одат тусига кирган. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, нутқий хабарнинг

алоҳида компонентлари муайян кетма-кетликда юзага келади ва идрок этилади. Оғзаки нутқ мураккаб, кўпқиррали жараён бўлиб, у тилнинг фонетик, лексик-грамматик тузилиши ва овознинг (интонация, темп, ритм ва ҳ.к.) ўзаро бирлашувини талаб қилади.

Оғзаки нутқнинг монологик ва диалогик шакллари мавжуд бўлиб, диалогик нутқ монологик нутққа нисбатан бирламчидир.

Ёзма нутқ деб ёзма матнлар ёрдамида амалга ошириладиган вербал (сўзли) алоқага айтилади. У кейинга қолдирилган (масалан, хат) ва тўғридан тўғри бўлиши (дарс, мажлис пайтида ўзаро алмашинадиган хатчалар) мумкин. Ёзма нутқ оғзакидан фақат графикадан фойдаланиши билангина эмас, балки ўзининг грамматик (аввалам бор синтактик) ва стилистик тузилиши билан ҳам, яъни бу нутқ учун хос бўлган синтактик конструкциялар, функционал услублари билан ҳам фарқланади. У гоёат мураккаб композицион тузилишга эга бўлиб, бу тузилиш махсус ўзлаштириб олишни талаб қиладики, бу мактаб таълимининг асосий вазифаларидандир.

Ички нутқ — тил воситаларининг ҳар хил турларидан бошқа кишилар билан бевосита алоқага киришмай туриб фойдаланиш. Унинг учта асосий турини ажратиш кўрсатиш мумкин: а) ичида гапириб олиш (ташқи нутқ тузилишини сақласа-да, фонациясиз яъни овоз иштирокисиз содир бўладиган нутқ); б) асл ички нутқ (тафаккур воситаси сифатида хизмат қилади, ўзига хос бирликлардан фойдаланади ва ташқи нутқ тузилишидан фарқ қиладиган ўзига хос тузилишга эга бўлади); в) ички дастурлаш (бирон фикр, бутун бир матн ёки унинг қисмларини миёда шакллантириш ва мустаҳкамлаш). Онтогнезда ички нутқташқи нутқни интериоризациялаш жараёнида шаклланади.

Болалар нутқининг ривожланишида илк босқичлардан бири **болаларнинг автоном нутқи** деб аталади ва уни катталар нутқини эгаллашда ўтиш даври деб атаса бўлади. Шаклига кўра болалар нутқи катталар нутқи ёки нутқ қисмларининг бузиб талаффуз этиш натижасидир. Унинг ўзига хос хусусиятлари: 1) сўз маъноларининг турғун эмаслиги, ноаниқлиги ва кўп маънолилиги; 2) ўзига хос умумлаштириш усули (у предметларнинг объектив белгилари ва функцияларига эмас, боланинг субъектив ҳиссий таассуротларига асосланади. Масалан, бола кўраётган аёл, пахмоқ ўйинчоқ, пахмоқ кийим каби ҳамма юмшоқ, тукли нарсалар бола тилида битта сўз билан аталади); 3) флексиялар ва сўзлар ўртасидагисинтактик

муносабатларнинг йўқлиги. Болаларнинг бундай нутқи узоқ вақт сақланиб туриши ҳамда, нафакат бола нутқининг ривожланишини, балки аклий ривожланишини ҳам орқага тортиши мумкин. Бундай ҳолатни профилактика ва коррекция қилиш учун болалар билан махсус иш олиб борилади. Шунингдек катталардан болаларга мурожаат қилганда, уларнинг гапига таклид қилмай, сўзларни тўғри талаффуз қилиш талаб этилади.

Эгоцентрик нутқ одамнинг ўзига қаратилган бўлиб, унинг амалий фаолиятини бошқаради ва назорат қилиб боради. Л.С.Виготскийнинг фикрича, у генетик жиҳатдан ташқи (коммуникатив) нутққа бориб тақалади ҳамда унинг қисман интериоризациясидан юзага келади. Эгоцентрик нутқни ташқи нутқдан ички нутққа ўзига хос ўтиш босқичи деб ҳисоблаш мумкин.

Дактиль ва имо-ишорали нутқ сурдопедагогикада кар боаларни нутққа ўргатишда қўшимча нутқий восита сифатида, шунингдек карларнинг ҳамда карлар билан эшитадиган кишиларнинг ўзаро алоқага киришиш воситаси сифатида қўлланади.

Нутқ бузилишлари деганда турли касалликлар оқибатида таркиб топган нутқнинг бузилиши (катталарда) ёки болалар нутқининг нормал ривожланишидаги бузилишлар тушунилади. Нутқ фаолияти нормал ривожланиши учун миянинг барча қисмлари ва тузилмалари сақланган ва соғ бўлиши лозим. Эшитиш, кўриш ва мотор анализаторларидаги периферик ва марказий бўлимларининг шикастланиши эса нутқнинг у ёки бу бузилишларини келтириб чиқаради (А.Митринович-Моджиевска, 1965; К.П.Беккер, М.Совак, 1981; Н.М.Асатиани, Л.И.Юелякова, Н.А.Власова ва б., 1983; Л.С.Волкова, Р.И.Лалаева, Е.М.Мастюкова, 1995).

Нутқ бузилишларининг мураккаб структурасини англаш, уларнинг бирламчи ва иккиламчи кўринишларини, кейин эса коррекцион ва терапевтик ёрдам усулларини аниқлаш ишларини фақатгина нутқ бузилишларининг таснифи асосида амалга ошириш мумкин.

Узоқ вақт давом этган кузатишлар ва дадқиқотлар асосида ҳозирда нутқ бузилишларининг иккита асосий таснифи ишлаб чиқилди: психологик-педагогик ва клиник-педагогик.

*Нутқнинг клиник-педагогик таснифи*да клиник синдромлар

логопедик коррекциялаш йўли билан тузатилиши лозим бўлган бузилишлар билан ўзаро алоқада кўриб чиқилади. Бу таснифда нутқ бузилишларининг қуйидаги турлари фарқланади: дислалия, овоз бузилиши, ринология, дизартрия, дудукланиш, алалия, афазия, дисграфия ва дислексия.

(буларнинг ҳаммаси луғатингизда ёки янги луғатда яхшироқ ва тўлиқроқ берилган-) **Дислалия** –

Овоз бузилиши

Ринология

Дизартрия

Дудукланиш

Алалия

Афазия

дисграфия

дислексия

Дислалия – (артикуляция аппаратининг турли хил бузилишлари оқибатида товуш чиқаришнинг бузилиши); функционал дислалия (артикуллаш функциясининг бузилиши – артикуляция аъзолари қурилмасининг сақланиши оқибатида, нотўғри, ноаниқ артикуляция аппаратининг ҳаракати);

ринология – нутқнинг просодик томони ва товуш чиқаришдаги бузилишлар, биринчи навбатда – альвеоляр ўсимта, милк, қаттиқ ва юмшоқ танглай, лабдаги ёриклик кўринишидаги овозлар, артикуляция аппарати тузилишининг бузилишини. Товуш чиқарганда ҳаво оқими факат оғиз орқали эмас, балки бурун бўшлиғи орқали очиқ ўтиши ва ёпик, бурун бўшлиғидаги меъёрий ўтишнинг аденоидлар, ўсимталар, бурун суягининг қийшиқлиги, бурунда сурункали жараёнлар оқибатида бузилишларнинг кўриниши мумкин;

ринофония – нутқ товушларининг меъёрий артикуляциясида овоз тембрининг бузилиши, фонация жараёнида оғиз ва бурун бўшлиғи иштирокининг мувофиқлашмаслигининг ҳисобга олинishi;

дисфония – овоз аппаратининг патологик ўзгаришлари оқибатида фонациянинг ишдан чиқиши. Ёки фонациянинг йўқлиги (афония) ёки овознинг (дисфония) кучи, йўқлиги ёки тембрнинг бузилиши кўринади. Марказий ва устки (периферик) характердаги овоз ташкил қилувчи механизмнинг органик ва функционал тартибеизликларини келтириб чиқаради;

2) марказий характердаги:

дизартрия – марказий нерв системасининг органик шикастланиши оқибатида тилнинг товуш тизимини бузилиши (товуш чиқариш, просодия, овозлар). Дизартрия, кўпинча талаффуз қилишнинг бузилиши билан чегараланмайди, лекин нутқни тушуниш ва лексик-грамматик томонларига тегишли бўлади;

Алалия – бола ривожланишининг бачадонда ҳомила ёки илк даврида бош миё пўстлогининг нутқ зонасида органик шикастланиш оқибатида нутқнинг йўқлиги ёки ривожланмаганлиги (нутқ шаклланишига қадар). Мотор алалияда мурожаат қилинган нутқни қиёсий сақланган имкониятла тушуниш учун қийинчиликлар шахсий нутқнинг ривожланишига тегишли бўлади. Сенсор алалияда бунинг тескарисин кузатилади: у ёки бу даражада, атрофдагиларнинг нутқини тушуниш бузилади;

афазия – бош миёнинг оғир жароҳатланиши туфайли, шамоллаш жараёнлари ва ўсимталар туфайли нутқ зоналарини қамраб олувчи илгари бўлган нутқни тўла ёки қисман йўқотиш. Афазия механизми асосида нутқ стереотипининг йўқолиши ётади, шунга кўра талаффуз қилиш кўникмалари ёки бегона нутқни тушуниш имкониятлари йўқолади. Ёш болаларда (5-7 ёш) нутқ бузилиши афазия туридаги миё шикастланишида бўлади ва кўпроқ нутқ-эшитиш хотирасига тегишли бўлади (Л.С.Цветкова, 1988);

дисграфия, ёки аграфия – ёзув жараёнининг ўзига хос, қисман ёки бутунлай ишдан чиқиши. Гап тузилмаси ва товуш-бўғинлар тизимининг бузилиб кўринишида, ҳарфларнинг оптик-фазовий образлари ноаниқ кўринади. Бош миё ярим шари чап қисмининг қайси жойи шикастланмасин орқа пешона, чакка, гардан – ёзув бузилиши мумкин;

дислексия – (алексия) – бош миёда гардан-чакка-тепа қисмларининг ривожланмаганлиги оқибатида ўқишнинг қисман ёки бутунлаб бузилиши;

Психологик-педагогик тасниф логопед ишининг амалий эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда тузилди. Бу тасниф аввалам бор психологик-лингвистик мезонлар асосида нутқ симптоматикасини аниқлашга қаратилган. Бу таснифда нутқнинг қайси компонентлари ва қай даражада бузилганлиги ҳисобга олинади, бу эса нутқ бузилишларининг қуйидаги гуруҳларини ажратиб кўрсатишга имкон беради:

1) **нутқнинг фонетик бузилишлари** – битта товуш ёки бир нечта

товушларнинг талаффузда бузилиши

2) нутқнинг фонетик-фонематик бузилишлари – бу ерда нутқнинг фонетик жиҳатлари билан бирга фонематик жараёнларнинг ҳам ривожланмай қолганлиги кузатилади;

3) нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (I, II, III, IV даражалари) – бунда тил тизимининг барча компонентлари (лексика, грамматика, фонетика ва фонематика) бузилган бўлади.

Иккала таснифнинг узаро алоқадорлиги куйидаги нутқ камчиликлари билан белгиланади.

Нутқнинг фонетик бузилиши (НФБ) ёки алоҳида товушлар талаффузининг бузилиши:

- дислалия,
- дизатрия,
- ринология,
- овоз бузилишлари.

Нутқнинг фонетик-фонематик бузилиши (НФФБ):

- дислалия,
- дизатрия
- ринология

Нутқнинг лексик-грамматик ривожланмаганлиги (НЛГР) куйидаги ҳолларда кузатилади:

- мотор (сенсор) алалиядан чиқиш;
- нутқ ривожланишининг орқада қолиши;
- психик ривожланишнинг орқада қолиши;
- аниқланмаган патогенез.

НТР (I, II ва III даража) ва АИНТР (аниқ ифодаланмаган нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги):

- мотор алалиа;
- сенсор алалиа,
- сенсомотор алалиа,
- дизатрия,
- нутқ ривожланишининг орқада қолиши;
- психик ривожланишнинг орқада қолиши;
- аниқланмаган патогенез.

✓ *Нутқ суръати (темпи) ва мароми (ритми)нинг бузилиши:*

- дудукланиш,
- тахилалиа,
- брадилалиа,

- қоқилиш (полтерн).

Психологик-педагогик диагностика ўтказилганидан кейин, нутқ камчиликларининг хулосалари иккала тасниф асосида қуйидаги тартибда келтирилади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (I даража). Мотор алалия.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (I даража). Сенсор алалия.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (I даража). Аниқ ифодаланмаган сохта бульбар дизартрия.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (I даража). Мотор алалия, дудукланиш.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (I даража). Сенсомотор алалия.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги. Болалар афазияси.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (II даража). Аниқ ифодаланмаган сохта бульбар дизартрия.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (II даража). Мотор алалия.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (II даража). Мотор алалия, дудукланиш.

Нутқнинг лексик-грамматик ривожланмаганлиги. Мотор алалиядан чиқиш.

Нутқнинг фонетик-фонематик бузилиши. Аниқ ифодаланмаган сохта бульбар дизартрия.

Нутқнинг фонетик-фонематик бузилиши. Очик органик ринолалия.

Нутқнинг фонетик бузилиши. Функционал мотор дислалия.

Нутқнинг фонетик бузилиши. Очик органик ринолалия

2.3. Дизонтогенез тушунчаси

Логопедлар учун мўлжалланган изоҳли луғатда “дизонтогенез” (онтогенез – ривожланиш, диз – бузилиш, камчилик) атамасига ниҳоятда қисқа ва лўнда таъриф берилган: бу *орагнизмнинг индивидуал ривожланишидаги бузилишлари*.

Биринчи бўлиб “дизонтогенез” атамаси 1927 йили Швальбе томонидан организмнинг бачадон ичида шаклланишида кузатилган

чекинишларни белгилаш учун қўлланди (Г.К.Ушаков, 1973). Кейинчалик бу атамадан янада кенгроқ маънода — онтогенез бузилишининг турли шакллари, шу жумладан постнатал даврдаги бузилишларни белгилаш учун фойдалана бошладилар. “Дизонтогенез” атамасининг синоними — “бузилган ривожланиш”дир. Таъкидлаб ўтилганидек, психолог ёки логопеднинг вазифаларидан бири асосий бузилишларни аниқлаш, нуқсон структураси ва оғирлик даражасини таҳлил этишдан иборат.

Ривожланишида муаммолар кузатилаётган бола психикасини ўршагишда боланинг ёш жихатдан ривожланиш босқичларини онтогенетик ёндошув доирасида таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Онтогенез — бу ташқи муҳитнинг муайян шароитларида организмнинг ривожланиши. Ҳар бир организм изчил ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Иккита асосий босқич фаркланади: пренатал (туғруқдан олдин) ва постнатал (туғруқдан кейин). Тухум ҳўжайрасига жойлаштирилган генетик ахборот ҳажми бутун мураккаб ривожланиш жараёнини белгилаб беради.

Ривожланиш мураккаб жараён сифатида олиб қарлади. Унда ҳар битта босқич аввалги босқични ўзида қамрайди ва ўзгариб боради.

Психик ривожланишда, шу жумладан нутқ ривожланишида биологик омиллар (ген мутациялари натижасида юзага келган мия ривожланишидаги нуқсонлар, бачадон ичидаги ривожланиш нуқсонлари, туғруқ патологияси ва ҳ.к.) туфайли келиб чиққан бузилишларда нуқсоннинг юзага келиш вақти муҳим аҳамиятга эга. Битта сабабнинг ўзи бола ривожланишининг турли даврида таъсир кўрсатар экан, у бузилишларининг ҳар хил турини келтириб чиқариши мумкин.

В.В.Лебединский, психологлар, дефектологлар ва психиатрлар тадқиқотларининг натижаларини умумлаштириб, психик ривожланишдаги бузилишларнинг қуйидаги турларини фарқлашни таклиф этади:

- ривожланмай қолганлик;
 - тўхтаб қолган ривожланиш;
 - дисгармоник ривожланиш;
 - бузилган ривожланиш;
 - шикастланган ривожланиш;
 - дефицитар ривожланиш (ривожланишнинг етишмаслиги).
- (Буларнинг ҳаммасига таъриф бериш керак)

Махсус психология ва педагогиканинг ҳал қилувчи асосини Д.С.Виготский томонидан ривожлантирилган қоида ташкил этади. Унга кўра нормал ривожланган болалар ва нормал ривожланмаган болалар ўртасида моҳият эътибори билан ҳеч қандай фарқ йўқ. Улар ҳам, булар ҳам – болалар. Улар ҳам, булар ҳам бир хил қонунлар асосида ривожланадилар. Фарқ фақатгина ривожланиш усулларидадир. Махсус психология учун психик ривожланиш жараёнида биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро нисбати ҳақидаги қоида муҳим аҳамият касб этади.

Нутқ бузилишларига эга болаларнинг психик ривожланишида умумий ва ўзига хос қонуниятлар мавжуд.

1. Умумий қонуниятлар – нормал ривожланаётган болалар ва ривожланишида чекинишлар бўлган болалар учун бирдек хос бўлган қонуниятлар. Булар:

- ривожланишнинг босқичма-босқич кечиши;
- психик ривожланишнинг сакраш йўли билан бориши;
- сентизив даврларнинг мавжудлиги;
- биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро муносабати;
- *шахс ривожланишининг мунтазамлиги.

2. Дизонтогенез шароитида ривожланишнинг ўзига хос қонуниятларига қуйидагилар киради (бунда фақат нутқ бузилишларига эга болалар гуруҳлари назарда тутилади):

- ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишдаги бузилишлар;
- нутқ алоқаларининг бузилиш;
- атроф муҳит ҳақидаги тасаввурлар ва тушунчаларнинг шаклланиш муддатлари узайганлиги;
- ижтимоий-психорлогик мсолашмаслик ҳолатларининг юзага келиш ҳавфи;
- психологик тизимнинг шаклланишидаги ўзига хослик (ўзидан қониқмаслик ҳисси, ўзига баҳо беришнинг бузилиши, стрессларга қаршилиқнинг пасайиши ва ҳ.к.);
- компенсаторлик жараёнларининг олиб бориладиган коррекцион иш вақти ва сифатига боғлиқлиги.

1.4. Нутқ бузилишининг сабаблари

Ҳомиланинг бачадонда ривожланиши даврида, туғиш пайтида, ҳамда бола ҳаётининг биринчи йилларида миёга турли хил зарарли

таъсирлар нутқ патологиясига олиб келиши мумкин.

Нутқ камчилигининг тузилиши ва даражаси кўпинча мия шикастланишининг оғирлик даражасига ва унинг олдини олишга боғлиқ бўлади, бу факторлар эса ўз навбатида мияга вақтнинг патоген таъсирига боғлиқ. Эмбриогенезнинг илк даврида асаб хужайралари жадаллик билан ажралиши пайтида бачадондаги ҳомиланинг 3-4 ойлигида оғир мия шикастланиши пайдо бўлади. (Н.С.Жукова, Е.М.Мастюкова, Т.Б.Филичева, 1990).

Миянинг ривожланмаганлиги ва нутқнинг оғир бузилишларига олиб келувчи тез-тез кузатиладиган сабаблар орасида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш лозим: инфекциялар ва ҳомиладорлик даврида онанинг захарланиши; токсикозлар; туғиш давридаги шикастланиш; асфиксия; она ва ҳомила қонининг резус-фактор бўйича зидлиги (резус-конфликт) ёки қоннинг гурухга алоқадорлиги; марказий асаб тизимининг касаллиги (нейроинфекциялар - менингитлар, энцефалитлар, менингоэнцефалитлар); бола ҳаётининг биринчи йилларида миянинг жароҳатланиши.

Тадқиқотчилар (Г.В.Гуровец, С.И.Маевская, 1985) мотор алалиянинг келиб чиқишини янги туғилган чақалоқлар асфиксияси ва туғилиш пайтида мия бош суягининг жароҳатланиши билан изоҳлайдилар.

Е.М.Мастюкова (1990) ўз ишларида таъкидлаганидек, онанинг ҳомиладорлик даврида никотин ва алкогольни истеъмол қилиши боланинг асаб-руҳий ва жисмоний ривожланишининг бузилишига олиб келиши, бунинг натижаси ўлароқ нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг яна бир кўриниши юзага келиши мумкин. Ҳомилага алкогольнинг таъсири оқибатида жисмоний ва психик ривожланиш орқада қолади, вазни кам болалар туғилади. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги бу болаларда ҳаракатнинг тормозланиши, жазаванинг кучайиши ва ақлий меҳнатга лаёқатлилиكنинг пастлиги билан қўшилиб кетади.

Шу ўринда, бола миясининг нутқ зоналарига зарар келтирувчи таъсирлар нутқ шаклланиб бўлганидан кейинги даврда рўй берса, нутқ бузилишининг афазия тури юзага келиш эҳтимоли бор.

Нутқ ривожланишининг бузилишига тарбия ва атроф-муҳитнинг номаъқул шарт-шароитларининг таъсири катта ўлади. Нутқ жадал шаклланиб бораётган даврда психик депривация унинг ривожланишини орқага суради. Агар бу омилларнинг таъсири

генетик мойилликка ёки қўпол бўлмаган церебрал-органик камчиликларга мос келса, унда нутқ ривожланишининг бузилиши турғун характерга эга бўлади ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги кўринишида намоён бўлади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги одатда миyanинг резидуал-органик шикастланиши натижаси ҳам содир бўлиши мумкин. Нутқ ривожланишининг бузилишини асаб-психик касалликлардан (эпилепсия, шизофрения ва бошқалар) фарклаш лозим. Интеллектуал камчиликлари бор болалар нутқда патология ифодаланган болалар билан солиштирганда асосан марказий асаб тизимининг органик шикастланиши кўринишлари кузатилади – минимал мия дисфункцияси дейилади (ММД).

Нутқ бузилишининг этиологиясида алоҳида ўринни *перинатал энцефалопатия* – бола туғилиши даврида пайдо бўлган миyanинг шикастланиши эгаллайди.



Назорат саволлари

1. Логопсихология махсус психологиянинг бир тармоғи сифатида эканлигига таъриф беринг.

2. Логопсихология фанининг мақсади ва вазифалари.

3. Логопсихология фанининг методлари, тамойиллари.

4. Логопедиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

5. Логопсихологиянинг логопедия билан алоқаси.

6. Нутқ бузилишинг қандай сабабларини биласиз?

7. Нутқ бузилишларининг таснифи ва турлари

8. Дизонтогенез тушунчасига таъриф беринг.

9. В.В.Лебединскийнинг таснифи бўйича психик ривожланишдаги бузилишларнинг қандай турлари мавжуд?

10. Ривожланмай қолганлик ва-тўхтаб қолган ривожланишга таъриф беринг.

11. Дисгармоник ривожланиш ва бузилган ривожланишнинг фарқини айтиб беринг.

12. Шикастланган ривожланиш ва дефицитар ривожланиш (ривожланишнинг етишмаслиги) деганда қандай бузилишлар тушинилади.

3-Маъруза

Махсус психологияда психологик-педагогик тадқиқотларнинг концептуал асослари

Режа:

3.1. Психологик-педагогик диагностиканинг тамойиллари

3.2. Психологик-педагогик диагностика методларига қўйиладиган талаблар, психологик-педагогик диагностиканинг асосий қоидалари

3.3. Диагностика ўтказишда учрайдиган хатолар
Назорат саволлари

3.1. Психологик-педагогик диагностиканинг тамойиллари

Диагностика тамойиллари деганда психодиагностика ва логодиагностиканинг таянч ғоялари кўзда тутилади. Шунинг учун уларнинг ишлаб чиқилиши махсус психология ва педагогика назарияси ва амалиёти учун ғоят муҳимдир.

Аввалам бор инсонни ўрганишда *комплекслилик тамойилини* (лотинча *complexus* – алоқа, бирикув), яъни инсоннинг индивидуал психологик шаклланишини ҳаёт йўлининг барча босқичларида яхлит ҳолда мунтазам ўрганилишини кўзда тутган тамойилни айтиб ўтиш лозим. Бу тамойил инсон психикасининг учта таянч соҳаси – шахси, интеллект, фаолиятининг ривожланиш хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ этиш орқали амалга оширилади. Психологик текширув боланинг сезги органлари (кўриш, эшитиш ва ҳ.к.), ҳаракатлантириш органлари, нерв тизимининг ҳолатларини баҳолаш билан бирга олиб борилади. Психологик диагностика клиник-психологик-педагогик таъсирлар комплекси доирасида кўрсатиладиган ёрдамнинг муҳим босқичидир.

Диагностика ва коррекциянинг бирлиги тамойили. Коррекцион ишнинг вазифалари бола ривожланишининг тўлиқ психологик диагностикасига асосланганидагина тўғри белгиланиши мумкин. психологик диагностика ва коррекция бир-бирини тўлдирадиган жараёнлардир. Шунинг учун болага психологик коррекция керакми ёки йўқ деган саволга жавоб беришдан олдин, боланинг психологик ривожланиш хусусиятларини, муайян янги психологик ҳосилаларнинг шаклланиш даражасини, малакалар, билимлар, кўникмалар,

шахсий ва шахслараро алоқаларнинг ривожланганлик даражасининг бола ёши босқичларига мувофиқлигини аниқлаб олиш зарур.

Алоҳида индивидуумнинг барча психик характеристикаларини *бир бутун (яхлит) ўрганиш тамойили* детерменизм ва тизимлиликнинг умумметодологик тамойилларини янада аниқлаштиради. Бу тамойил Л.С.Виготскийнинг бирон бузилишнинг тизимли таҳлилин аналга ошириш имконини берадиган нуқсон тузилиши ҳақидаги концепциясининг асосини ташкил қилади. Бу тамойилнинг моҳиятини фаолиятли психология доирасида кўпроқ очиб бериш мумкин. Унга кўра инсон ўзини предметли-манипулятив, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятида имкон даражада тўлиқ намоён этади. Бундай ёндошув синалаётган шахс психикасининг барча соҳаларини — шахси, интеллекти, ҳуқ-атворини очиш имконини беради.

Инсонга шахс сифатида ёндошиш тамойили нутқ камчилигига эга шахсларни текширишда ғоят муҳимдир. Боланинг эмоционал-иродавий ҳолатини белгилаб берадиган ҳуқ-атвор йўналишини ҳисобга олмасдан туриб, психологик ёрдам самарали бўла олмайди. Психолог ҳар бир болани ва унинг ота-онасини нодир, автоном индивидлар сифатида қабул қилиши ҳамда уларнинг эркин танлаш, ўзини-ўзи белгилаш ҳуқуқини, ўз ҳаёти билан яшаш ҳуқуқини тан олиши ва ҳурмат қилиши лозим.

Фаолият орқали ёндошув тамойили. Текширув боланинг етакчи фаолияти ҳисобга олинган ҳолда аналга оширилиши лозим. Агар бу мактабгача ёшдаги бола бўлса, ўйин фаолияти контекстида, мактаб боласи бўлса, ўқув фаолиятида. Айрим ҳолларда, агар ривожланишда, шу жуамладан нутқ ривожланишида орқада қолиш кузатилса, ўйин методикалари мактаб ёшида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Бундан ташқари бола ва ўсмир учун шахсан таниш бўлган фаолият турларини танлаш тавсия этилади.

Болани динамикада ўрганиш тамойили. У болаларнинг мавжуд имкониятларинигина эмас, балки уларнинг келгусида билимлари ва кўникмаларини ривожлантириш имкониятларини ўрганишга йўналтирилган. Л.С.Виготскийнинг таълим ва ривожланиш нисбатлари ҳақидаги концепцияси шу тамойилга асосланади. Унга кўра бола ўзи мустақил ҳал қиладиган масалалар билан белгиланадиган актуал ривожланиш зонаси ва бола катталар ёрдамида ҳал қиладиган масалалар белгилаб берадиган энг яқин

риворжланиш зонаси фарқланади.

*Индивидуал ва коллегиал текшириш шакллари*ни бирга қўшиб олиб бориш тамойили кам куч сарфлаб, энг юкори натижаларга эришиш имконини беради. Текширишнинг коллегиал шаклида бир мутахассис иккинчисининг ёрдамчиси сифатида иш олиб бориши ва ўз ўрнида синовдан ўтувчининг хатти-ҳаракатларини ташкил қилиши, ижобий эмоционал фон яратиши ва, аниқса, олинган диагностика натижаларини таҳлил қилишда фаол қатнашиши мумкин. бунда бир хил фактларга ҳар хил нуқтан назар билан қараш ва оптимал хулосага скелиш имкони бўлади.

Олинган маълумотларнинг таҳлилида сифат-сон жиҳатдан ёндошиш тамойили, бир томондан, сон кўрсаткичлари асосида сифат бирликлари ётиши лозимлигига асосланса, иккинчи томондан, текшириш натижалари мана шу расмий кўрсаткичлардан иборат бўлмай, вазифаларнинг бажарилиш жараёни (операцияларнинг мантикий кетма-кетлиги, мақсадга эришишда собитлик ва ҳ.к.) ҳам таҳлил қилинишини талаб этади.

Қуйида келтириладиган тамойиллир логопсихологик диагностикада айниқса кенг қўлланади.

Ривожланиш тамойили. Ушбу тамойилга кўра, нуқсоннинг юзага келиш жараёнини (сабабини) таҳлил қилиш билан бирга, айнан шу нуқсонни боланинг ривожланишига қандай таъсир этишини ўрганиш назарда тутилади. Рухий ҳолатларнинг тўғри тавсифномаси нуқсоннинг келиб чиқиш сабаблари, айнан ҳозирги вақтдаги ҳолати ва келажакда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларини инобатга олган ҳолда тузилади. Масалан, ноаниқ артикуляция сўзни, товушни таҳлил-синтез қилиш малакасини эгаллашда қийинчиликлар, ёзма нутқда агроматизмларни келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, ноаниқ талаффуз нутқий фаолликнинг сусайишига, мулоқотга киришишга эҳтиёжнинг камайишига олиб келади.

Ривожланиш тамойилига кўра, нуқсонни статистик жиҳатдан таърифлашга эмас, балки уни ривожланиш динамикасини аниқлашга алоҳида ургу берилади.

Онг ва фаолият бирлиги тамойили. Бу тамойилга кўра, онгинсон хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатини бошқарувчисидир.

Маълумки, биологик наслдан-наслга ўтувчи хусусиятлар психик функциялар шаклланишининг шартларидан биринигина ташкил этади. Инсонларга инсоният томонидан яратилган

предметлар дунёси ва ҳодисаларни эгаллашга бўлган интилишлар хос. Фаолият эса инсон онгининг шаклланиш омилини юзага келтирувчи шартларидан биридир. Фаолият доимо организм билан муҳитнинг ифодасидир. Бу фаолият айрим ҳолларда ташқи томондан ифодаланса-да (ҳаракатларда, юриш-туришларида), ички характерга эга. Инсон ўзининг фаолиятини илк ёшиданок, бутун инсоният тажрибаси ва жамият талабларига қараб йўналтириб боради. Инсон фаолиятига хос бўлган хусусиятлардан яна бири, унда билиш жараёнлари ирода билан боғлиқ бўлади, уларга таянади, яъни фаолият билиш ва ирода жараёнларисиз юз бериши мумкин эмас. Аномал болаларни ўрганишда ушбу тамойил нуқсонли болалар фаолияти, ана шу болаларнинг ривожланиш даражасини аниқловчи асосий параметр эканлиги назарда тутади.

Психик ривожланишнинг нутқ билан боғлиқлиги тамойили. Нутқий фаолият бола психикаси, турли руҳий жараёнлар (сенсор, интеллектуал, хиссий ирода соҳаси) билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Болада кечаётган руҳий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини индивидуал ўрганиш, бола нутқининг нуқсонли ривожланишини аниқлаш имконини беради. Масалан: кўришнинг заифлашувида нуқсон ҳаракати ва компенсатор аъзосининг аъло даражада фаолият қилаётганига қарамай, бу болаларда алексия ва аграфияларнинг оғир кўринишларини кузатиш мумкин. ()

3.2. Психологик-педагогик диагностика методларига қўйиладиган талаблар. Психологик-педагогик диагностиканинг асосий қоидалари

Қандай психологик текшириш методи яратилмасин, у муайян талабларга риоя қилинишини кўзда тутади. Психодиагностик методикаларнинг сифатини баҳолашда энг муҳим мезонлар қаторига валидлик ва ишончлилики киради.

Валидлик (инглизча *validity* – ҳақиқий, яроқли, кучга эга бўлган) – тест н и м а н и ўлчаётганини ва қ а н ч а л и к яхши ўлчаётганини кўрсатадиган тушунча. Психологик диагностикада валидлик методика ҳақидаги маълумотларнинг мажбурий ва энг муҳим қисми бўлиб, ўз ичига қуйидагилар киради: тест натижаларининг синовдан ўтаётган шахс ҳақида ҳар хил бошқа манбалардан олинган (кузатиш, эксперт баҳолар, ишончлилиги

белгиланган бошқа методикалар натижалари ва ҳ.к.) маълумотлар билан ўзаро мослик даражаси ҳақидаги маълумотлар; ўрганилаётган белгининг ривожланиш истиқболи қанчалик асосланганлиги ҳақидаги фикрлар; шахснинг ўрганилаётган хатти-ҳаракатлари ёки ўзига хос хусусиятларининг муайян психологик тузилмалар билан боғлиқлиги. Валидлик шунингдек методиканинг кимларга аниқ йўналганлиги (синалаётганларнинг ёши, таълим даражаси, ижтимоий-маданий алоқадорлиги ва ҳ.к. бўйича контингенти), тестдан фойдаланишда олинган хулосаларнинг асосланганлик даражасини ҳам тавсифлайди.

Психодиагностик методикаларнинг муҳим сифатларидан бири уларнинг *ишончлилигидир*. Психодиагностик тадқиқот натижалари одатда кўплаб ҳисобга олинмайдиган омиллар таъсирига учрайди. Булар синалаётганларнинг эмоционал ҳолати, чарчаганлиги, хонанинг ёритилганлиги, синовдан ўтаётганларнинг текширилишга ва бошқа вазият ўзгаришларига тайёрлик даражаси ва ҳ.к. бўлиши ҳамда текшириш натижаларига бир омиллар таъсирини кучайтириши яна бошқаларининг таъсирини заифлаштириши мумкин.

Нимаики бизга панд бермаса, ўзгармас ва башорат килиб бўладиган бўлса, биз уни ишончли деб атаймиз (масалан, машина, стул, аппарат). Психик ҳолатларга ҳам худди шундай баҳо бера оламиз. Агар хотирамиз бизга таниш одамнинг исмини, керакли телефон рақамни, фактни эслашда панд бермаса, у ишончли хотира бўлади.

Психодиагностик методикаларда эса худди ўша синовдан ўтаётганлар худди ўша ёки ўхшаш методика билан такроран текширилганда, олинган кўрсаткичлар бир-бирига мос келмаса биз бу методиканинг ишончсизлиги ҳақида гапиришимиз мумкин. аниқлик мезонлари қуйидагилар:

Валидлик ва ишончлилик ўртасида қатъий мувофиқлик йўқ. Тест ишончли бўлиши мумкин, лекин вали бўлолмайди. Бу дегани, тест бирон-бир хусусиятни аниқ ўлчайди, аммо бу қайси хусусият экани номаълум қолади. бундай вазиятда тестни мазмун жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам янада аниқроқ валидлаш керак бўлади.

Психологик-педагогик диагностиканинг асосий қоидалари:

1. Психолог текширишнинг боришида кишидан унинг шахси ҳақида маълумотлар сўраб олишда ёки ахборот унга ишониб топширилганда, бу ишга текширувдан ўтаётган шахс текширув

мақсадларини, шунингдек сўралаётган ахборотдан фойдаланиш мақсади ва усулларини тўлиқ англаб етгандагина, қўл уриши мумкин. Текширув самарадорлигини ошириш учун тест синовидан ўтказишнинг ҳақиқий мақсадини яшириш зарурати бўлар, аммо шахс синовга ёлғон йўл билан жалб қилинмаслиги керак.

2. Ҳар қандай шахс психологик текширув ёки экспериментда қатнашишдан бош тортиш ва шу йўл билан ўзининг ички оламига ўзи хоҳламаган ҳолда аралашувдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

3. текширув бирон муассаса сманфаатлари йўлида ўтказилаётган бўлса, синовдан ўтувчи шахс олинган натижалардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилиниши шарт.

Синовдан ўтаётган шахснинг ўз литимосига кўра ўтказилган текширув натижалари унинг розилигисиз бирон муассасага топширилиши мумкин эмас.

4. Қонун қондасига кўра психолог олинган ахборотдан хабардор қилиш мажбурияти қаршисида турса, касб сирини сақлаш мажбурияти ўз кучини йўқотади. 16 ёшгача бўлган болалар шахсини тест синовидан ўтказишда болаларнинг ўзлари ва уларнинг ота-оналари ўз розиликларини беришлари керак; ота-оналарнинг илтимосига кўра, улар тест натижалари ҳақида хабардор қилинадилар.

5. Синов натижаларини кўриш қатъий назолрат остига олинниши шарт.

6. Тест натижалари маълум қилинаётганда, бу маълумотлар тегишли бўлган шахс хусусиятлари ҳисобга олинниши керак.

7. тест натижалари саводли шарҳланмай туриб, текширилувчига маълум қилинмайди.

Кўриниб турганидек бу қоидалар ахлоқ нормалари қаторига ҳам киради.

3.3. Диагностика ўтказишда учрайдиган хатолар

Энг кўп учрайдиган хатолар қуйидагилар.

Плацебо (лотинча *тузалаянман*) эффекти. Гуё “кучли таъсир қилади” деб тафсия этилган дорилар ёки муолажалар таъсирида кишининг физиологик ёки психологик ҳолатида кузатиладиган ўзгаришлар. Унинг механизми ишонтириш ва ўзини ўзи ишонтиришга асосланади.

шахслараро муносабатларнинг бузилиши ва ҳ.к.нинг) ўрни ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд

Шуниси аниқки, инсон психикаси билан нутқ нуқсони структурасидаги нутқий бузилиш ўртасида юзага келадиган мураккаб муносабатларни фақат тегишли назарияга асосланган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Касалликнинг ички манзараси ҳақидаги концепция айнан мана шундай назариядир. У бемор одам психологиясининг тавсифига қаратилган. Шифокор-терапевт А.Р.Лурия 1939 йилда ўзидан аввал бу ҳақда илгари сурилган ғояларни умумлаштириб, касалликнинг ички манзараси ҳақидаги ўз концепциясини шундай ифодалади: “Бу бемор бошидан ўтказётган барча ҳисслар ва кечинмалар, унинг барча ҳис-туйғулари, умумий аҳволи ва руҳияти, ўз-ўзини кузатишлари, ўз касаллиги ва унинг сабаблари ҳақидаги тасаввурлари, умуман олганда идрок ва ҳиссиётнинг ғоят мураккаб бирикувидан, ҳиссиёт, аффектлар (жазава ҳолатлари), қарама-қаршилиқлар, психик кечинмалар ва травмалардан таркиб топган беморнинг улкан оламидир” (А.Р.Лурия, 1973). Нутқ бузилишлари соҳасида бу концепция А.Б.Хавин (1974), В.А.Калягин (1994, 1996), Л.С.Цветкова (2001) ва бошқалар томонидан ишланди.

Беморлар психологиясини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўз касаллигини (нуқсонини) қабул қилишда улар тўртта англаш босқичидан ўтар эканлар:

-*ҳиссий* (унга барча огрик сезгилари, жисмонан носоғ ҳолат, ноқулайлик ва ҳ.к.);

-*эмоционал* (одам ўзининг жисмоний туйғуларидан қийнала бошлайди, атрофдагиларда қандай таассурот туғдираётгани ҳақида ўйлайди, уни вазият келтириб чиқарган бошқа фикрлар чўлғайди);

-*интеллектуал* (бунда одам ўз нуқсонига реал баҳо беришга ва уни қандай даволаш мумкинлиги ҳақида башорат қилишга эҳтиёж сезади ва бу эҳтиёжини ўз ҳолати ҳақида турли манбалардан – махсус адабиётларни ўқиш, мутахассислар маслаҳати ва бошқа йўллар билан ахборот олишга интилиши орқали амалга оширишга киришади);

-*мотивацион* (бу босқичда одам касалликка ўз мунгосабатини аниқлаб олади ҳамда ўз нуқсонини бартараф этиш ва жамиятда ўзини қандай тутиш бўйича муайян хулқ-атвор тури ҳақида қарор қабул қилади). Ҳозирги замон фаннинг фундаментал бўлимларидан бирини Г.Селье ва унинг издошлари томонидан

ишлаб чиқилган стресс ҳақидаги таълимот ташкил қилади. Бу таълимот кўпчилик нутқ бузилишларининг келиб чиқиши дистресснинг ривожланиши ёки мослашув механизмларининг зўриқишига боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкинлигини кўрсатди. Бумеханизмлар орасида хавотирлик муҳим ўрин эгаллайди, чунки у воқеалар номакбул ривожланганда организмда ҳар хил функционал ўзгаришларга сабаб бўлади. Инсон фаолиятининг мураккаб турлари, шу жумладан нутқ хавотирлик таъсирига айниқса сезгир экани қатор текширувлар натижасида ишончли исботлаб берилган. В.И.Селиверстов тавсифидаги ўз нуқсонига ўта эътибор бериш ҳолатининг асосида ҳам айнан мана шу механизм ётади.

Нуқсоннинг ички манзарасини (НИМ) белгилаб берадиган омиллар қаторига нуқсоннинг ўзи азият чекаётган кишининг шахсияти ва уни ўраган ижтимоий муҳит киради. Бу омиллар таъсирида кишида ўзига, ўз нуқсонига, атрофдагиларга нисбатан муайян муносабат шаклланади, ўз-ўзига баҳоси ўзгаради, феъли ўзгаради, хавотирлик, психропатик бузилишлар пайдо бўлади.

Ўз нуқсонига нисбатан психик муносабат фақат нуқсоннинг ўзига ва атроф муҳитга эмас, балки шахснинг етуқлик даражасига ҳам боғлиқ. Хатто юзаки кузатиш ҳам касаллик, нуқсон каби қийинчиликларга боланинг жавоби катталарникидан фарқ қилишини кўрсатади. Боланинг фаоллиги, кайфияти ўзгаради, унда тушқунлик, хавотирлик пайдо бўлади, у серзарда бўлиб қолади, катталарнинг гапига кирмай кўяди, одатланган машғулотларини ташлайди ва ҳ.к. нуқсон келтириб чиқарган муаммоларга бўлган муносабат ёшга боғлиқ эканини кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаб ўтадилар (В.В.Ковалёв, 1972; Н.Д.Лакосина, Г.К.Ушаков, 1976; М.А.Цивилько ва б., 1981; Д.Н.Исаев, 2000). Болаларда нуқсоннинг ички манзарасининг шаклланишига юзага келган нуқсон келтириб чиқарган вазият катта таъсир кўрсатади. Бунда боланинг ўз нуқсонини тўғрилаш мумкинлиги борасидаги умидлар ва умидсизликлар билан йўғрилган кечинмалари ҳам нуқсонни тўғрилашга қаратилган терапевтик ва коррекцион ишда ҳисобга олиниши зарур. Бу ҳол боланинг оиладаги муносабатлари, мактабда ўзлаштириши, бошқалар билан муносабатларига таъсир кўрсатади.

Нуқсоннинг ички манзарасини кичик ёшдаги болаларда аниқлаш анча қийин. Уни очиб бериш учун бола ва ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш, уни турли ҳолатларда кузатиш,

Хоторн эффекти юкоридаги ҳолатнинг ўзига хос вариантыдир. Бунда текширув процедураларида қатнашишнинг ўзиёқ синовдан ўтаётганларнинг хулқ-атвориға сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, жумладан экспериментатор истакларига онгли ёки онгсиз равишда мос келишга интилишларни рағбатлантиради.

Пигмалион эффекти. Пигмалион – гўзал аёл ҳайкалини яратган ва уни севиб қолиб, худоларган унга жон бахш этишни сўраган қадимги юнон мифининг қаҳрамони. Америкалик психолог Р.Розенталь бу ҳодисани унинг номи билан атаган. Пигмалион эффектининг моҳияти шундаки, бирон-бир гипотезанинг тўғрилигига қатъий ишонч ҳосил қилган экспериментатор синовдан ўтувчига беихтиёр шундай таъсир кўрсата бошлайдики, бу гипотеза фактлар асосида ўз тасдиқини топади. Баъзида бу феномен Розенталь эффекти деб ҳам аталади.

Аудитория эффекти шунда намоён бўладикки, одамларнинг ёки экспериментаторнинг ўзининг ҳозир бўлиши синовдан ўтувчига таъсир кўрсатиши, унинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириши мумкин. одатда бунда осон, яхши ўзлаштирилган, интеллектуал жиҳатдан содда механик фаолият яхшироқ ва тезроқ бажарилади.

Бирламчилик эффекти. Бунда нотаниш ҳодиса ёки одамга берилган баҳо улардан олинган дастлабки таассуротга боғлиқ бўлади. Баъзида бунда яратиб бўлинган образга зид келадиган кейинги ахборот эътиборсиз қолодирилади ёки бузиб кўрсатилади.

Назорат саволлари

1. Психологик диагностиканинг асосий тамойиллари қандай?
2. Логопсихологик диагностикада кенг қўлланадиган тамойилларга таъриф беринг.
3. Психологик-педагогик диагностика методларига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
4. Психологик-педагогик диагностиканинг асосий қоидалари ҳақида гапириб беринг. Нима учун уларни ахлоқ нормалари қаторига ҳам киритамиз?
5. Диагностика ўтказишда учрайдиган хатоларни кўрсатинг

4-маъруза.

Психологик-педагогик диагностика методлари

Режа:

4.1. Психологик-педагогик диагностика методларининг таснифи

4.2. Логопсихологияда қўлланадиган психологик-педагогик методлар тавсифи: тестлар, кузатиш, анкеталаш, интервьюлаш, фаолият натижаларини таҳлил қилиш, проектив методикалар, социометрик метод, эксперт методи, эксперимент, боланинг ривожланиш тарихини ўрганиш методи

4.3. Психодиагностика методларини стандартлаштириш

Назорат саволлари

4.1. Психологик-педагогик диагностика методларининг таснифи

Ҳар қандай тадқиқотнинг зўтказилишида қуйидаги умумий характеристикалар бўлиши шарт:

-ҳар қандай тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқ ифодаланган бўлиши, яъни тадқиқот ўтказиш натижасида нимага эришмоқчи эканимиз ва бунинг учун қандай масалаларни қўйиш ва ҳал қилишимиз кераклиги аниқ кўрсатилган бўлиши зарур;

-бу вазифаларни ҳал қилиш учун мос методларни танлаш;

-тадқиқот ўтказиш режаси;

- маълумотларни қайд этиш усуллари;

-таҳлил методлари;

-тадқиқот натижаларини тақдим этиш (жадваллар, графиклар, матнлар кўринишида).

Психологик-педагогик диагностик тадқиқот ҳақида гап кетганда, унинг вазифалари қаторига педагогик жараённинг самарадорлигини аниқлаш, боланинг таълимий фазодаги қийинчиликларни билиш ва унга уларни енгиб ўтишга ёрдам бериш имконини берадиган вазифалар киради. Амалиётчи педагог-психолог ўз олдида таълим олишда қийинчиликларга дуч келаётган аниқ бир болани ўрганиш ҳамда унга индивидуал ёндошувни таъминлаган ҳолда ёрдам кўрсатиш вазифасини қўяди.

Шунга кўра мутахассиснинг малакасини диагностика

методларини ўзлаштирганлик даражаси билан бир каторда тадқиқот олиб боришнинг юқорида айтиб ўтилган умумий талабларини билиш ва уларга ўз ишида амал қилиш даражаси ҳам белгилайди.

Психологик-педагогик диагностика методларига келсак, улар бир қанча параметрларга кўра гуруҳларга бирлаштирилган. Бу методларнинг энг кенг тарқалган таснифлари Й.Шванцар, В.К.Гайде ва В.П.Захаров, А.А.Бодалев ва В.В.Столин томонидан амалга оширилган. Биз шулардан ўзимизда олиб бориладиган психологик-педагогик ва логопедик диагностика ишларига кўпроқ мос келадиган психодиагностика методларининг В.К.Гайде ва В.П.Захаров бўйичатаснифига батафсилроқ тўхталамиз.

Бу таснифлар муаллифлари психодиагностика методларини қуйидаги асослар бўйича таснифлайдилар:

- 1) сифати бўйича: стандартлашган, стандартлашмаган;
- 2) вазифасига кўра:
 - умумдиагностик (Р.Кеттелль ёки Г.Айзенк сўровномаларига ўхшаш шахс тестлари);
 - умумий интеллект тестлари;
 - касбий яроқлилиқ тестлари;
 - махсус қобилиятлар (техник, мусика, пилотлар учун тестлар) тестлари;
 - муваффақиятлар тестлари;
- 3) синовдан ўтаётган шасх иш олиб борадиган материал тури бўйича:
 - бланкали;
 - предметли (Коос кубиклари, Векслер тўпламидан “шакллар тузиш”);- аппаратли (диққат хусусиятларини ўрганиш га мўлжалланган қурилмалар ва ҳ.к.);
- 4) синовдан ўтаётганлар сони бўйича: индивидуал ва гуруҳий;
- 5) жавоблар шакли бўйича: оғзаки ва ёзма;
- 6) асосий йўналганлиги бўйича: тезликка ўтказиладиган тестлар, қувват тестлари, аралаш тестлар. Қувват тестларида мураккаб масалалар қўйилади ва уларни бажариш вақти чекланмаган бўлади. Тадқиқотчини масаланинг муваффақиятли ҳал қилиниши ҳам, ҳал қилиш усули ҳам қизиқтиради;
- 7) масалаларнинг бир хиллик даражаси бўйича: гомоген ва гетероген (бунда гомоген масалалар бир-бирига ўхшаш бўлади ва муайян бир интеллектуал ёки шахсий белгини ўлчашда қўлланса,

гетероген тестларда ҳар хил масалалар қўйилади ва интеллектнинг турли характеристикаларини баҳолаш учун қўлланади);

8) комплекслиги бўйича: алоҳида тестлар ва тестлар тўпламлари (батареялари);

9) масалаларга берилган жавоблар характери бўйича: белгиланган жавобли тестлар, эркин жавобли тестлар;

10) психик мазмунни қамраб олиш соҳаси бўйича: шахсга қратилган тестлар ва интеллектуал тестлар;

11) ақлий хатти-ҳаракатлар характери бўйича: вербал, новербал.

Диагностика методлари улардан фойдаланиш шакли бўйича ҳам фарқланади. Бу таснифга кўра психодиагностика методлари оғзаки ва ёзма, бланкли, предметли, аппаратли, компьютер ёрдамида, вербал ва новербал бўлиши мумкин. Диагностика шакллари тинлаш мавжуд техник имкониятларга (аппаратура, компьютер ёки оддий қоғознинг мавжудлигига) боғлиқ, бироқ шу билан бирга тадқиқот вазифалари билан ҳам белгиланиши мумкин. Батафсил индивидуал тадқиқот учун диалогик оғзаки техника, компьютер қўлланиши мумкин, оммавий тадқиқот олиб борилганда эса бланкли методикалар кўпроқ тўғри келади. Логопед учун материални тақдим этиш усули бўйича методикаларни вербал ва новербалга ажратиш шунчаки расмий талаб бўлиб қолмай, ишнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Мисол тариқасида Векслер методикасини келтириш мумкин, унда вербал ва новербал интеллект айри-айри текширилади.

Предметли методикаларда тест воситасида топшириладиган вазифаларининг рағбатлантирувчи материали сифатида карточкалар, кубиклар, геометрик шакллар, ҳайкаллар ва Ҳ.К. қўлланади. Мисол сифатида Сеген тахталари, Коос кубиклари, Линк куби, Виготский-Сахаров тестининг рангли шакллари келтириш мумкин. Бу методикалар одатда индивидуал машғулотларда қўлланади.

Аппаратлар ва компьютер ёрдамида ўтказиладиган тадқиқотлар ушбу техника воситаларидан таъминланганлик даражасига ва ўтказиладиган тадқиқот вазифаларига боғлиқ бўлади.

Вербал методикаларда рағбатлантирувчи материал синовдан ўтаётганлардан тушунчалар билан ишлай олиш малакасини, абстракт фикрлашни талаб қилади. Айтиш мумкинки, бу методикаларнинг вазифалари олий психик функцияларга

қаратилган. Уларнинг қўлланиши синовдан ўтаётганларнинг тил маданияти, таълим даражаси, касбий хусусиятларига боғлиқ. Шунинг учун улар кўпроқ интеллектни баҳолашда, муваффақиятлар тестларида, махсус қобилиятларни баҳолашда қўлланади.

Новербал психодиагностик методларда рағбатлантирувчи материал кўргазмали шаклда тақдим этилади (предметлар, тасвирлар, чизмалар ва ҳ.к.). уларга тузилган йўриқномалар вербал тус касб этсада, аммо вазифаларнинг бажарилиши берилган материал билан манипуляциялар олиб боришга таянади. Бундай методиканинг типик намунаси сифатида Ровеннинг прогрессив матрицаларини келтириш мумкин. Новербал тестлар синовдан ўтаётганларнинг тил ва билим даражаларига камроқ боғлиқ бўлади ва шунинг учун кўпроқ ҳолларда нутқий мулоқот чекланган ёки билим даражаси паст бўлган шахсларни текширишда маълум қулайликлар туғдиради.

4.2. Логопсихологияда қўлланадиган психологик-педагогик методлар тавсифи.

Тест методи.

Тест инглизча test сўзидан олинган бўлиб, текшириш, синаш маъноларини англатади. Тест стандартлаштирилган метод бўлиб, унинг афзаллиги шундаки, қисқа вақт ичида, оммавий тарзда кўп текширувчиларни текширувдан ўтказиш мумкин. Ҳозирда тестлар инсон амалий фаолиятининг турли-туман соҳаларида, шу жумладан педагогика ва махсус педагогикада ниҳоятда кенг қўлланмоқда. Чунки улар текширув ёки синовдан ўтаётганларга қатъий аниқ шароитда тавсия этиладиган, махсус танланган вазифалар тизимидан иборат. Ҳар бир тўғри жавоб учун баҳо қўйилади. Тест жавоблари бир неча вариантларда берилади. Вазифа бир хил ёшдаги кишилар гуруҳига берилади ва уларни ўртача ўзлаштириш бали ҳисоблаб чиқилади.

Тестларнинг асосий гуруҳларини кўрсатиб ўтамиз.

Педагогика тестларнинг асосий буюртмачиларидан бўлди, чунки бола қаерда ва қандай таълим олиши керак деган саволга жавоб бериш учун, унинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлаш усулларига эҳтиёж сезар эди. Шунинг учун аввал интеллект (лотинча *intellectus* – тушуниш, билиш) тестлари, яъни умумий

қобилиятлар тестлари яратилди ҳамда психодиагностикада энг кенг тарқалган методикага айланди. Интеллект даражасини аниқлашда Векслернинг интеллектни ўлчаш шкаласи айниқса оммавийлашиб кетди.

Шахсга хос характеристикаларни аниқлаш тестларини хатти-ҳаракат ва ситуатив тестларга ажратиш мумкин. Бунда текшириладиган шахс мақсади ўзига одатда маълум бўлмаган вазифалар олади. Кўпроқ ҳолларда улар кундалик ситуацияларни (вазиятларни) акс эттирар эди. Биринчи марта бундай методика Г.Хартсхорн, М.А.Мей ва уларнинг ходимлари томонидан 20-30 йилларда ишлаб чиқилган тестларда қўлланди. Мактаб ўқувчиларининг ҳулқ-атворини баҳолаш тестлари уларнинг алдаш, ўғирлик қилишга мойиллиги, хатти-ҳаракатларининг уйғунлиги, тиришқоқлигини аниқлашга қаратилган эди. Бундай ёндошув шахсга хос характеристикаларнинг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди. Шунинг билан бирга бу методика олинган маълумотларни изоҳлашда мутахассиснинг масъулиятини оширар эди.

Тестлар таълим, касбий фаолиятнинг кўплаб соҳалари, клиник психология ва психологик консультацияда жуда кенг қўлланади

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга тавсия этиладиган тестлар бирламчи фаолият (ўйин, конструкциялаш) тарзида тавсия этилади. Тестлар ёрдамида болаларни мактабда таълим олишга тайёргарлик даражасини аниқлаш мумкин. Шунингдек, тестлардан фойдаланиб, ривожланишида орқада қолишлар кузатиладиган болаларни аниқлаш мумкин. Лекин тестлар болаларни ривожланишидаги камчиликларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш имконини бермайди. Шунинг учун тест методини бошқа методлар билан биргаликда қўллаш тавсия этилади.

Кузатиш деб инсон билан фаол алоқага киришмай туриб, унинг психик ҳаётини мақсадга йўналтирилган ҳолда идрок этишга айтилади. Бу метод энг осон, чунки бу вазиятда тадқиқотчининг ўзи диагностика инструменти вазифасини ўтайди, кузатиладиган шахсдан эса кузатувчининг кўриш майдонида бўлиши талаб қилинади ҳолос.

Болаларнинг психик хусусиятларини ўрганишда кузатиш методи айниқса қимматли, чунки улар билан экспериментал тадқиқот ўтказиш имкониятлари, катталарга қараганда, анча чекланган.

Педагогик ва психологик тадқиқотларда кузатишнинг ҳар ҳил турлари қўлланади. Тадқиқотчининг воқеаларга жалб қилинганлик даражаси бўйича – *жалб қилинган ва четдан кузатадиган*; объект билан алоқага киришиш характери бўйича – *яширин ва очик*; объект билан боғлиқ ҳолда – *ташқи ва интроспектив*; тадқиқот вақтига нисбатан – *бир марталик ва мунтазам*; идрок этиш характериға кўра – *яли ва танланган*; маълумотларни қайд этиш усули бўйича – *кузатувчи ва баҳоловчи*; процедураларнинг стандартлаштирилганлик даражаси бўйича – *эркин (қидирув) ва структураланган (стандартлашган)*. Уларнинг ҳаммаси айри-айри ва комплексида қўлланиши мумкин.

Кузатув самарадорлигини ошириш учун қуйидаги қоидаларға риоя қилиш муҳим аҳамиятға эға: бирон фактни турли вазиятларда мунтазам равишда қайта-қайта текшириш; шошилиш хулосалар қилмаслик, кузатилаётган факт ортида турган ҳақиқат ҳақида муқобил таҳминларни илғари суриш ва уларни текшириш; кузатилаётган фактнинг юзаға қилишидаги хусусий шарт-шароитларни умумий вазиятдан ажратиб олмай, шу вазият контекстида олиб қараш; ҳолис бўлишға интилиш; битта шахсни бир нечта (камида иккита) мутахассис кузатиши ва баҳолаши ҳамда якуний баҳо шу кузатувлар асосида чиқарилиши лозим.

Кузатиш методи нутқида камчилиги бор шахсларни ташхислашда, одатда биринчи консультация пайтида ҳамда психолог томонидан миждо ҳақида қўшимча ахборот олиш учун ўтказилаётган кўрик пайтида қўлланади. Логопедик машғулотларда, шунингдек бола ўз ҳолиға қўйиб берилган пайтда олиб борилган кузатиш ёрдамида эса бошқа тадқиқот методлари билан олиш мумкин бўлмаган муҳим психологик ахборотға эға бўлиш мумкин. Чунки боланинг бундай шароитдаги феъл-атвори эркин ва табиий бўлиб, диагностик текширув пайтидаги феъл-атворидан анча фарқ қилади. Болани логопедик машғулотлардан ташқари пайтда кузатишнинг муҳимлиги яна шундаки, айнан шу пайтда у ўзига сингдирилган тўғри нутқ ва мос хулқ-атвор кўникмаларидан кундалик ҳаётда қандай фойдаланаётганини аниқлаш имкони бўлади.

Кузатишнинг аниқ ражасини ва натижаларини қайд этиш бу методнинг шартларидан бири. Бола кузатилаётганини билмаслиги лозим. Агар бола бу ҳолатдан хабардор бўлса, бу метод табиийлигини, ҳаққонийлигини йўкотади.

Сухбат методи. Бу методдан боланинг атроф муҳит ҳақидаги билимларини, хулқ-атвори оила ва таълим муассасасига муносабатини аниқлаш учун фойдаланилади. Болаларга бериладиган саволлар тушунарли ва қизиқарли бўлиши керак. Сухбатга алоҳида тайёргарлик қўрилади, яъни мавзу, саволлар олдидан ўйланган бўлади. Кўп ҳолларда болаларнинг жавоби саволларнинг мазмуни билан бирга, уларни текширувчига нисбатан муносабатига ҳам боғлиқ. Болаларнинг жавоблари ёзиб борилади. Ушбу метод натижалари билан бошқа текширув методлари орқали олинган маълумотлар таҳлил қилинади.

Фаолият натижаларини таҳлил қилиш методи. Диагностиканинг инвазив бўлмаган (ўрганилаётган ҳодисаларга аралашмай туриб ўтказиладиган) методлари орасида инсон фаолияти натижаларини (маҳсулларини) ўрганишга имкон берадиган ҳужжатли ва моддий манбаларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлили алоҳида ўрин эгаллайди. Бу манбалар доирасига хатлар, таржиман ҳоллар, кундаликлар, фотосурталар, ҳар хил санъат турларидаги ижодий натижалар киради. Бола фаолияти маҳсулларини эса болалар чизган расмлар, аппликация, конструкция, турли ўйинчоқлар, ясаган нарсалари, улар томонидан яратилган шеър ва эртаклар киради. Бунда болаларнинг ўз ихтиёрлари билан мустақил бажарган фаолият маҳсули алоҳида аҳамиятга эга. Масалан: бола расмда акс эттирган предмет билан болани тасаввури ўртасидаги алоқани аниқлаш мумкин.

Инсон фаолиятининг маҳсуллари фақат тестлар билан, гарчи логопед ишида улар катта ўрин тутса-да, баҳоланмайди, албатта. Бу маҳсуллар ҳар хил бадий, меҳнат, ўқув фаолиятлари натижалари бўлиши ҳам мумкин. Инсон фаолияти маҳсулларида унинг энг муҳим ва ахборотга бой характеристикаларидан бири бўлган индивидуал услуби ўз аксини топади. Бу услубга қараб хатто бирон бадий асар, расм, мусика муаллифини аниқлаш мумкин. Мактаб ўқувчисининг фаолият услубини аниқлаш коррекция жараёнида ушбу жараёни оптималлаштириш имконини берадиган индивидуал ёндошувни амалга оширишда ғоят муҳимдир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, текширилаётган шахс психикасини ўрганишда диагностика методлари кузатиш, сухбат, интервью билан қўшиб олиб борилгандагина қизиқарли натижалар олиш мумкин.

Логопедия масалаларини ҳал қилишда таҳлил этилаётган

фаолият натижаларининг асосан икки тури олинishi мумкин: биринчидан, таҳлил акустика сигнали сифатида у ёки бу ахборот ташувчисига ёзиб олинган нутққа нисбатан қаратилган бўлиши, иккинчидан, ёзма нутқ матнларига қаратилган бўлиши мумкин. Нутқ фаолиятининг маҳсуллари бўлган ушбу ёзувларга кейинчалик контент-таҳлил методи қўлланади. Бу метод ҳужжатларни таҳлил этишда тадқиқотчининг шахсий таассуротларини чеклаш. ишончли ахборотни ажратиб олиш ҳамда унинг максимал даражада аниқ қайд этилишига эришиш учун махсус ишлаб чиқилган. Психологик диагностикада контент-таҳлил асосан бошқа тадқиқот методлари ёрдамида олинган маълумотларга ишлов беришнинг қўшимча методи ёки процедураси сифатида қўлланади. Шунингдек у проектив методикалар (гапни тугатиш, ТАТ, Г.Роршах методикаси), интервью, суҳбат ва бошқа методлар ёрдамида олинган маълумотларга ишлов беришда ҳам қўлланади.

Фаолият натижаларини таҳлил қилишда боланинг шахсий буюмларин, ўйинчоқлари, кийимларини кузатиш ҳам муҳимдир. Бола бу нарсаларга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, унинг психик ҳолатини англаш ва демакки, тегишли психологик диагноз қўйиш мумкин бўлади. Масалан, ҳаракатларнинг бир хилдалиги, тозалikka эътибор бермаслик, мулоқот қилишга бўлган эҳтиёжнинг йўқлиги аутизация ҳақида гувоҳлик беради ҳамда янада чуқурроқ текширув ўтказиш учун асос бўлади.

Анкеталаш. Интервьюлаш.

Анкета (французча *anquete* – саволлар рўйхати) – вербал коммуникация асосида дастлабки социологик ва ижтимоий-психологик ахборот олиш учун қаратилган методик восита. Анкета саволлар тўпламидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар биттаси марказий мавзу билан боғлиқ бўлади. Саволлар тузилган бланкалар респондентлар томонидан мустақил тўлдирилади.

Махсус психологияда анкета сўрови одатда иккита масалани ҳал қилишга ёрдам беради: бизнинг асосий мақсадимиз бўлган шахсларнинг (дудукланувчилар, нутқида камчиликлар бўлган болалар ва х.к.) скрининг тадқиқотини ўтказишда ва бола ҳақида қўшимча маълумотларни олиш, оиладаги шароитни аниқлаш учун ота-оналарнинг анкета сўровини ўтказишда. Ота-оналарнинг анкета сўрови кўп ҳолларда бола ҳақида асосий ахборот манбаи бўлиши мумкин. мактабгача ёшдаги болалар психодиагностикасига қаратилган кўпчилик методикалар ота-оналарга мўлжалланган

бўлади, чунки бу ёшда болалар ўзлари ҳақида аниқ сифатли вербал ахборот бера олмайдилар. Анкеталар, гарчи жиддий тадқиқот инструменти бўлмаса-да, шу билан бирга ниҳоятда мослашувчан текшириш воситасидир ҳамда амалий фаолиятда юзага келадиган турли-туман масалаларни ҳал қилиш учун тузилиши мумкин. Масалан, тузилган анкета ота-оналарнинг ўз болалари муаммоларига, уларга коррекцион таъсир кўрсатиш йўлларига бўлган муносабатларини аниқлаш қаратилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари анкета ўзи мўлжалланган шахслар билан бевосита алоқа қилиш имконияти бўлмаганда, бу камчиликни тўлдириши мумкин.

Интервьюлаш (инглизча *interview* - суҳбатлашиш) – бола билан бевосита, жонли мулоқотдан иборат бўлиб, унинг натижасида бола психикасининг ҳолати, ривожланиш тарихи ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил бўлади, боланинг яшаш шароитлари ва ҳаёт тарзи аниқланади. Бу метод болани ва унинг ота-онасини батафсил сўраб-суриштиришни талаб қилади. Интервью суҳбатнинг янада эркин шаклларида бири бўлиб, боланинг хулқ-атворини белгилайдиган сабабларни билиб олиш имконини беради. Бундай суҳбатлар давомида психолог бола жавобларининг мазмунигагина эмас (фактлар, фикрлар, хис-туйғулар, ғоялар, луғат, муносабатлар), балки суҳбат пайтида ўзини тутиш тарзига (интонация, тутилиб қолишлар, иммика, имо-ишоралар, тана ҳолати ва ҳ.к.) ҳам эътибор беради. Интервьюлаш анкетага нисбатан ишончлироқ ахборот манбаидир, чунки у респондент билан бевосита алоқада олиб борилади ва шунинг учун ноаниқ жавобларни аниқлаштириш, саволлар вариантларидан фойдаланиш, жавоб бериш пайтида респондентнинг ҳолатини кузатиш имконини беради.

Проектив методикалар.

“Проектив” (лотинча *projection* – олдинга отиш) атамаси 1030 йилда Л.Франк томонидан киритилган эди. Проектив методикаларнинг асосий белгиси шундаки, бунда синовдан ўтаётган шахсга ноаниқ, мавҳум (кучсиз структураланган) вазифалар берилади ва у уларни изоҳлаши, тўлдириши, ривожлантириши керак бўлади. Яъни синалувчидан кўпроқ ижодий ёндошувни талаб қилади.

Прекциянинг намоён бўлиш усулига кўра методикаларнинг бир неча турларини фарқлаш одат тусига крган:

■ -конститутив – синалувчи берилган материалга муайян маъно,

мазмун (маълум тузилиш) бериши лозим (Г.Роршах, С.Розенцвейг тестлари);

-интерпретатив (шарҳловчи) – воқеалар, вазиятлар, тасвирларни шарҳлаб беришни кўзда тутди (Г.Мюррей ва К.Морганнинг 1935 йилда тузилган Тематик апперцепцион тести – ТАТ);

-конструктив – алоҳида қисмлар ва сочилган деталлардан бир бутунни яратиш (М.Левенфельднинг “Жаҳон тести” – 232та мўъжаз уйлар, дарахтлар, одамлардан иборат “конструктор”);

-катартик – берилиб, зўр ғайрат билан ижод қилиш шароитида ўзини намоён этиш (Ж.Моренонинг психодраммаси, А.Вальтманнинг қўғирчоқлар тести);

-экспрессив – берилган ёки эркин мавзуда расм солиш (“Уй – дарахт – одам” тести);

-импрессив – кераклироқ ҳисобланган белгини танлашни талаб қилади (М.Люшернинг ранг танлаш тести);

-аддитив – гап, воқеа, ҳикояни тўлдириш, тугатиш (гапни тугатиш методикаси).

Амалий фаолиятда проектив методикалар қуйидаги масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради:

-синалувчи, айниқса бола билан алоқани ўрнатиш;

-унинг шахсияти, индивидуал-психологик хусусиятлари ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш;

-онг томонидан ёмон назорат қилинадиган ёки умуман назорат қилинмайдиган шахс хусусиятлари ҳақида ахборот олиш.

Логопедик амалиётда проектив методикалардан фойдаланиш афзаллиги уларнинг новербал характерга эга экани билан белгиланади. Бу эса нутқни четлаб ўтиб дастлабки тахминий ахборотга эга бўлиш имконини беради ва шунинг учун нутқда оғир камчиликлар бўлган болалар билан ишлашда айниқса қўл келади.

Социометрия методи шахслараро муносабатлар, болаларнинг гуруҳдаги ўрнини ўрганиш имконини беради. Бунда асосан қуйидагича саволлардан иборат анкеталар тарқатилади: «Сен ким билан сайрга боришни хоҳлайсан?», «Сайрда ким билан ўйнашни хоҳлайсан?», «Туғилган кунинга кимни таклиф этасан?», «Ким билан бир партада ўтиришни хоҳлайсан?» ва ҳ.к.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бундай саволлар бериш тавсия этилмайди. Бунда болага, масалан, ўзига ёққан 3 та

уйинчоқни танлаб олиш ва кейин уларни «махфий тазрда» ўзига ёккан болалар шкафчасига солиб қўйиш тавсия этилади.

Олинган натижалар социограмма жадвалида акс эттирилади. Жадвалда акс этган натижалар ёрдамида гуруҳ «юлдузлари», танланган ва танланмаган болалар гуруҳи аниқланади. Шунингдек, бу метод ёрдамида болаларни кимлар билан дўстлиги ёки дўстлашишга интилишлари ҳақида маълумот олинади.

Социометрия методи худди тест методи каби болаларни шахслараро муносабати ҳақида маълумотлар беради. Шунинг учун, тўлақонли маълумотга эга бўлиш учун социометрия методи бошқа психологик методлар билан биргаликда қўлланилиши тавсия этилади.

Эксперт методи қўйилган муаммо устида битта ёки бир нечта мутахассис олиб борган иш тажрибасига таянишга асосланади. Олинган маълумотлар қайд этилади ва кейинчалик ишланади. Эксперт (лотинча *expertus* – тажрибали, кўпни кўрган) – ижтимоий тажрибага эга бўлган ҳамда тадқиқотда бевосита ахборот манбаи сифатида қатнашаётган нуфузли шахс. Унинг вазифаси кўзда тутилган қоидаларга мувофиқ муайян шкала бўйича объект ёки ҳодисанинг белгилари ҳақида ўз фикрини билдиришдан иборат. Компьютер ва тажрибали мутахассис томонидан амалга оширилган психик диагностика натижаларини қиёслаш диагнозни расман асослашда кўп ҳолларда компьютер фойдасига бўлса-да, диагноз сифатини аниқлашда мутахассис, шубҳасиз, ютиб чиқади.

Логопедияда, педагогик фаолиятнинг бошқа турларида бўлгани каби, эксперт баҳолаш анча кенг қўлланади. Бу, масалан, назорат машғулотларида болалар нутқини вақти-вақти билан баҳолаш кўринишига эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолда одатда нутқ сифатининг даражалар бўйича интеграл баҳоси (норма, сал-пал бузилиш, ўртача бузилиш ва ҳ.к.) қўлланади. Айрим ҳолларда нутқ динамикаси баҳоланади: ўзгаришсиз, яхшиланди, ўртача яхшиланди, анча яхшиланди ва ҳ.к. Бундан ташқари нутқнинг айрим характеристикалари ҳам баҳоланиши мумкин: боғланганлиги, аниқлиги, нутқ нафасининг сифати, овоз тембри, тутилиб қолишлар сони ва ҳ.к. кўриниб турганидек, экспертлар зиммасига муҳим вазифалар юклатилади. Шунинг учун экспертлар тажрибали ва нуфузли мутахассислардан бўлиши лозим.

Лаборатор ва табиий эксперимент методи. Маълумки, ҳар қандай билим шу билимга эга бўлиш учун эксперимент методи

(лотинча *experimentum* – тажриба, синов) қўлланган пайтдан бошлаб илмийлик касб этади. И.П.Павлов илмнинг ривожланишида тажриба, эксперимент ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблар эди. Экспериментнинг икки хил тури фарқланади: табиий ва лаборатор

Лаборатор эксперимент лаборатория шароитида, махсус қўлланма ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бунда текширилувчи уни текширилади тавсия билади. Нотаниш шароит, айниқса, аппаратуралардан фойдаланиш болага ўзгача таъсир этиб, унинг ҳулқ-атворини, ўзини тутишини ўзгаришига ва ҳатто топшириқларни бажаришдан бош тортишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун эксперимент жараёнида қизиқарли ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Табиий эксперимент 1910 йилда А.Ф.Лазурский томонидан ишлаб чиқилган экспериментал стратегия. У кундалик табиий шароитда (дарс, мулоқот, ўйин пайтида) олиб борилади. Бунда текширувдан эксперимент қатнашчилари уларга тавсия этилади ўйинлар, топшириқлар маълум бир мақсадда берилади тавсия билмайдилар. Бунинг эвазига экспериментнинг софлигига эришиш мумкин. асосий методлари – кузатиш ва суҳбат. Кейин уларнинг натижалари сифат жиҳатдан ишланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга нисбатан қўлланадиган табиий ва лаборатор эксперимент методларида кескин фарқлар кузатилмайди, чунки ҳар иккаласида ҳам болалар ўзлари учун қизиқарли бўлган фаолият тури билан машғул бўладилар.

Таълимий эксперимент табиий экспериментнинг варианти бўлиб, бунда у ёки бу психик жараёнлар мақсадга мувофиқ шакллантирилади пайтнинг ўзида ўрганиб борилади. Бу метод ёрдамида мавжуд билимлар, малакалар, қўникмаларнинг ҳолатидан кўра кўпроқ уларнинг шаклланиш хусусиятлари аниқланади. Методнинг бориши: аввал синовдан ўтувчига бирон хатти-ҳаракат, билимни мустақил эгаллаш таклиф этилади, кейин, у бу ишни уддалай олмаган бўлса, унга қатъий белгиланган, индивидуал ёрдам кўрсатилади. Бу жараён кузатувчи эксперимент билан бирга олиб борилади ва шу туфайли боғшланғич ривожланиш даражасини яқиний даража билан қиёслаш имконияти туҳилади.

Психологик-педагогик тадқиқот вазифаларини бажарувчи эксперимент психологик-педагогик эксперимент деб номланади.

Боланинг ривожланиш тарихини ўрганиш методи. Ривожланиш категорияси, бола қайси ёшда бўлмасин, унинг

тарихига, ўтмишига, яъни мутахассис текширувига келган вақтдан олдинги ҳаётига мурожаат қилишни тақозо этади. Бу йўналиш психологияда тарихий ёки генетик метод номини олди. Бу методларга П.П.Блонский ва Л.С.Виготскийлар ҳам амал қилганлар.

Тарихий ёндошувга кўра ривожланиш муайян қонунлар асосида содир бўлади ва бу қонунларни билиш келажакни прогноз қилиш имконини беради. Ахир психодиагностиканинг асосий вазифаси ҳам боланинг хатти-ҳаракатларини аввалдан айтиб бериш имкониятига эга бўлишдан иборат. Бусиз методика самарали ҳисоблана олмайди. Прогнознинг асосий шартига кўра ўрганилаётган хусусият маълум вақт оралиғи билан уч марта ўлчаниши лозим.

4.3. Психодиагностика методларини стандартлаштириш

Психодиагностик методларга қўйиладиган яна бир муҳим талаб – уларни *стандартлаштириш* (инглизча *standart* – намунали, нормал) – текширув ўтказиш процедураси ва тест баҳоларини ягона нормативга келтириш. Методикани стандартлаштириш туфайли кўплаб синовдан ўтувчилардан олинган натижаларни қиёслаш мумкин бўлади.

Психологик диагностикада стандартлаштиришнинг икки хил шакли мавжуд. Биринчи шаклга кўра стандартлаштириш деганда қуйидаги шартларнинг бажарилиши кўзда тутилади:

- текширув ўтказиш процедурасига ишлов бериш ва уни қатъий регламентга (тартибга) солиш;

- йўл-йўриқлар, текширув бланкалари, натижаларни қайд этиш усуллари, текширув ўтказиш шароитларини унификациялаш;

- синовдан ўтаётганларнинг характеристикалари;

- текширув процедурасининг қатъий кетма-кетлиги (бу тест ишончлилигини таъминлаш ва текширув натижаларини баҳолаш учун тест нормаларини белгилашнинг мажбурий шартидир).

Иккинчи ҳолда стандартлаштириш деганда нормал (ёки сунъий равишда нормага келтирилган) баҳолар шкаласини янги шаклга ўзгартириш тушунилади. Бунда янги шкала эндиликда ўрганилаётган кўрсаткичнинг миқдорий эмпирик қийматида эмас, балки синовдан ўтаётганларни танлаш мақсадида натижаларни тақсимлашда ушбу кўрсаткичнинг нисбий ўрнига асосланади.

Диагностик тадқиқот процедурасини стандартлаштиришга қўйиладиган талаблар6

-синовдан ўтаётганлар йўл-йўрикларни бир хил усулда, одатда ёзма шаклда олишлари лозим; оғзаки кўрсатмалар бериш зарурати туғилса, улар турли гуруҳларда ҳамма учун бирдек тушунарли бўлган бир хил сўзлар воситасида берилиши керак4

-биронта ссиновдан ўтаётган шахс бошқаларга нисбатан бирон имтиёзга эга бўлмаслиги керак;

-текширув жараёнида айрим синовдан ўтаётганларга қўшимча тушинтиришлар берилмайди;

-текшириладиганлар бир неча гуруҳдан иборат бўлса, ҳамма гуруҳлар куннинг бир вақтида бир хил шароитларда синовдан ўтказилиши лозим;

-вазифани бажаришда ҳамма синовдан ўтаётганлар учун бир хил вақт чегараси белгиланиши керак ва ҳ.к.

Одатда методика муаллифлари қўлланмада ушбу методикани ўтказиш тартиби бўйича аниқ ва батафсил кўрсатмалар берадилар. Бу кўп жihatдан янги методикани стандартлаштиришнинг ўзгинасидир, чунки бу кўрсатмаларга қатъий риоя қилингандагина бир қатор синовдан ўтаётганлардан олинган кўрсаткичларни ўзаро қиёслаш имконини беради.

Бажарилган тест баҳоларини стандартлаштиришни психометрия ва статистикага тегишли дейиш мумкин. Муайян вазифани бажарган боланинг натижасини муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкинми, ёки аксинчами, - буни аниқлаш одатда қийин кечади. Чунки, масалан, олти ёшли бола Векслернинг интеллектни баҳолаш тести бўйича 70 балл олди, дейлик. Бу яхшими, ёки ёмонми? Бу кўрсаткич шу ёшдаги болалар учун одатийми? Микдорий кўрсаткичнинг ўзи ҳали ҳеч нарсани билдирмайди. Мактабгача ёшдаги бола олган баллни бола интеллектини юқори, ўрта ёки паст ривожланиш даражасини баҳолайдиган кўрсаткич деб изоҳлаб бўлмайди. Чунки боланинг интеллектуал ривожланиши ушбу методикага хос ўлчамларда ифодаланган, шунинг учун олинган натижалар абсолют қимматга эга бўлолмайди. Демак, бу ривожланишни аниқлаш учун қандайдир ҳисоблаш нуқтасига, ўлчамларга эга бўлиш ва текширувда қўлланган методика асосида олинган диагноз натижаларини уларнинг ёрдамида баҳолаш керак бўлади. Ҳисоблаш нуқтаси сифатида нимани олиш мумкин, деган савол туғилади. Анъанавий тест синовларида бу нуқта статистик

йўл билан олинадиган ва у *статистик норма* деб аталади.

Статистик норма ҳамма вақт синовдан ўтаётганларнинг муайян танланган категориясига (болалар ёки китталар, эркалар ёки аёллар, нормал гапирадиганлар ёки нутқ нуқсонига эга бўлганлар ва ҳ.к.) тегишли бўлади ҳамда муайян категорияга киритилган шахсларнинг ўртача характеристикасини ёки ҳисоблаш нуқтасини ифодалайди. Психик хусусиятларнинг мураккаблиги ва турлитуманлиги уларни ўлчаш учун ягона шакала яратиш имконини бермайди. Шунинг учун дастлабки (ишлов берилмаган, ҳом) кўрсаткичлар сифатида тўғри бажарилган вазифалар сони, вақти, хатолар сони ва психодиагностик методика мазмунига мос келадиган бир қатор бошқа объектив ўлчов бирликлари қўлланади. Бундай дастлабки кўрсаткич ҳар хил индивидуумлар ёки уларнинг гуруҳларини ўзаро қиёслаш имконини берганидагина, диагностика воситаси сифатида қимматга эга бўлади. Бунга эса тегишли нормалар тизимидан фойдаланиш туфайлигина эришиш мумкин.

Нормалар тизими стандартлаштириш, яъни тест процедуралари ва баҳоларини тартибга келтириш, бир қилипга солиш йўли билан яратилади. Натижада ҳар хил шахслардан олинган натижаларни, улар ҳатто ҳар хил методикалар ёрдамида синовдан ўтказилаётган бўлса ҳам, ўзаро қиёслаш имконияти туғилади.

Олти яшар боланинг натижаларига қайтамиз. Бола интеллектининг коэффициенти 70га тенг. Бу эса Векслернинг стандартлашган шкаласи бўйича чегаравий ривожланиш даражасига тўғри келади, чунки интеллектуал ривожланиш нормаси 110 дан 119гача бўлган баллар оралиғида туради.

Стандартлаштириш босқичлари. Тест ишлаб чиқиш босқичида, ҳар қандай бошқа методда бўлгани каби, уч босқичдан иборат стандартлаштириш процедураси олиб борилади. Психологик тестни стандартлаштиришнинг *биринчи босқичи* тест ўтказиш процедурасини бир қилипга солишдан иборат бўлади. Бунда диагностик ситуациянинг қуйидаги жиҳатларини аниқлаб олиш талаб қилинади:

-синовдан ўтаётганларнинг ҳаммаси учун бир хил шароит яратилиши (хона, ёруқлик ва бошқа ташқи омиллар). Қисқа муддатли хотира ҳажмини (масалан, Векслер тестидаги рақамлар каторини такрорлаш субтести ёрдамида) ўлчашда ташқи қўзғатувчилар (бегона товушлар, овозлар ва ҳ.к.) бўлмагани маъқул;

-бериладиган йўл-йўриқлар мазмуни ва уларни бериш йўли (овоз оҳанги, паузалар, нутқ тезлиги ва ҳ.к.). Масалан, “Ўнта сўз” тестида ҳар битта сўз секундларда ўлчанадиган маълум вақт оралигида берилиши лозим;

-рағбатлантирувчи стандарт материалнинг мавжудлиги. Масалан, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўп жихатдан синовдан ўтаётганларга қандай материал берилишига боғлиқ (бу қўлда бажарилган карточкаларми ёки стандарт рангли материалми);

-тест бараришга ажратилган вақт. Масалан, Равен тестини бажариш учун катта одамга 20 минут вақт берилади;

- тестни бажариш учун стандарт бланк. Бундай бланкдан фойдаланиш синов натижаларига ишлов беришни осонлаштиради;

-тест жараёни ва натижаларига вазиятга кўра ўзгарувчан омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш. Ўзгарувчан омиллар деганда синовдан ўтаётган одамнинг ҳолати (чарчаш, лоҳаслик ва ҳ.к.), ностандарт шароит (тест синови ўтаётган пайтда хонанинг яхши ёритилмагани, шамоллатилмагани ва ҳ.к.), тест синовининг тўхтатилиши каби ҳолатлар тушунилади;

-текширувчи хатти-ҳаракатларининг тест жараёни ва натижаларига таъсири. Масалан, текширувчи ўзини маъқуллагандек тутса, бу синовдан ўтаётган шахс томонидан тўғри жавобга ишорадек кўриниши мумкин;

-синовдан ўтаётган шахснинг тест вазияти бўйича тажрибасини ҳисобга олиш. Табиийки, тест синови процедурасидан ақалли бир марта ўтган шахс ноаниқлик ҳиссини енгиб ўтган ва тест тизимига муайян муносабат ҳосил қилган бўлади. Шунинг учун унга аввал бажариши мумкин бўлган тестларни таклиф этиш ноўрин бўлади.

Стандартлаштиришнинг *иккинчи босқичи* ягона баҳолаш қолипларини яратишдан – олинган натижаларнинг стандарт изоҳи ва дастлабки стандарт ишловидан иборат бўлади. Бу босқич шунингдек олинган натижаларни норма билан солиштиришни ҳам кўзда тутати.

Учинчи босқич стандартлаштириш нормаларини белгилашдан иборат бўлади. Бунда синовдан ўтувчиларнинг ёши, жинси, ижтимоий ҳолати ва ҳ.к. ҳисобга олинади. Ҳозирда мавжуд нормалар турларига мисол келтирамиз:

1. Мактаб нормалари мактабда эришилган муваффақиятлар ва матаб таълими учун талаб қилинган қобилиятлар асосида ҳар бир

мактаб поғонаси учун ишлаб чиқилади ва бутун республика худудида амал қилади;

-касбий нормалар ҳар хил касб гуруҳлари учун мўлжалланган тестлар асосида белгиланади;

-маҳаллий нормалар умумий белгига (ёш, жинс, географик район, ижтимоий-иқтисодий мақом ва ҳ.к.) кўра бирлаштирилган тор доирадаги одамлар учун белгиланади. Масалан, интеллектни текширишга қаратилган Векслер тести учун тест синовидан ўтаётганлар ёшига қараб бирлаштирилади;

-миллий нормалар ушбу халқ, миллат ва умуман мамлакат вакиллари учун ишлаб чиқилади.

Айтиб ўтилганидек, нормалар тест натижаларини (дастлабки кўрсаткичларни) изоҳлашда эталон вазифасини ўтайди, яъни тест натижалари мана шу эталонлар билан солиштирилади. Масалан, интеллектни текшириш тестларида олинган дастлабки кўрсаткич IQ норматив IQ (Ровен тестида 43, 44, 45 баллар) билан солиштирилади. Агар синовдан ўтаётган шахснинг IQси нормативдан юқори бўлса, масалан, 60 баллга тенг бўлса, бу шахс интеллектининг ривожланиш даражасини юқори баҳолаш мумкин. Агар олинган IQ нормадагидан паст бўлса, бу ҳолда интеллектнинг паст ривожланиш даражаси ҳақида, ва тенг бўлса, ўрта ривожланиш даражаси ҳақида сўз юритиш мумкин.

Норма қандай аниқланади? Тест тузиш босқичида синовдан ўтувчиларнинг бирон-бир гуруҳи тузилади ва етест саволлари уларда синаб кўрилади. Ушбу гуруҳда тест бажарилишининг ўртача натижаси одатда норма сифатида қабул қилинади. Ўрта натижа битта сон билан эмас, балки сонлар диапазони билан кўрсатилади, масалан, 43, 44, 45 балл. Бундай синовдан ўтувчилар гуруҳини (уларни яна стандартлаштириш термаси деб атайдилар) шакллантиришнинг муайян қоидалари мавжуд. Тузилаётган тест кимларга мўлжалланган бўлса, стандартлаштириш термасига шундай шахслар танлаб олинади, яъни агар тест болаларга мўлжалланган бўлса (масалан, Амтхауэр тести), стандартлаштириш ҳам шу ёшдаги болаларда ўтказилиши лозим. Стандартлаштириш термаси ёш, жинс, касб, географик жойлашганлик, касаллик ва ҳ.к. кўрсаткичлари бўйича синаладиган гуруҳларнинг кичрикрок моделидан иборат бўлиши керак. Масалан, 6-7 ёшли болалар, раҳбарлар, ўсмирлар ва ҳ.к.

Стандартлаштириш термасидаги синовдан ўтаётган шахсларнинг тест натижаларини график кўринишида ифодалаш мумкин. У дастлабки кўрсаткичларнинг қайси кийматлари ўртача кийматлар зонасига (норма зонасига) киришини, қайсилари нормадан юқори ёки паст эканини кўрсатиб беради.

Одатда у ёки бу тестга илова қилинган қўлланмада норма оддий балларда эмас, балки стандарт кўрсаткичларда, яъни Т-баллар, дециллар, фоизлар, станайнлар, стандарт IQлар ва ҳ.к.ларда ифодаланганини кўриш мумкин.

Дастлабки кўрсаткичларни стандарт кўрсаткичларга ўтказишдан мақсади шундаки, бунда ҳар хил тестлар бўйича олинган натижаларни ўзаро солиштириш мумкин бўлади. Бунинг учун дастлабки кўрсаткичларга математик ишлов берилади.

Ҳар хил тестлардан олинган дастлабки кўрсаткичларни ўзаро қиёслаб бўлмайди, чунки тестлар турлича ички тузилишга эга бўлади. Масалан, Векслер тести ёрдамида олинган IQни Амтхауэр тести ёрдамида олинган IQ билан солиштириб бўлмайди, чунки бу тестлар интеллектнинг ҳар хил хусусиятларини ўрганади

Назорат саволлари:

1. Психодиагностика методларининг қандай таснифларини биласиз? В.К.Гайде ва В.П.Захаров таснифларида психодиагностик методлар нималарга асосланиб бирлаштирилган?
2. Кузатиш ва суҳбат методларига таъриф беринг.
3. Кузатиш методи қайси соҳаларда қўлланади?
4. Психодиагностика мақсадида фаолият натижаларини таҳлил қилиш методининг моҳияти нимада?
5. Логопед ишида контент-таҳлилдан қайндай фойдаланиш мумкин?
6. Текширишнинг анкета методига таъриф беринг.
7. Қандай анкета турларини биласиз? Логопедияда қандай анкета турлари қўлланади?
8. Текшириш жараёнида проектив техникалар қандай вазифани бажаради?
9. Логопедияда социометриянинг қўлланишига мисоллар келтиринг.
10. Стандартлаштириш деганда нимани тушунасиз?
11. Стандартлаштириш босқичлари ҳақида гапириб беринг.

Логопсихологияда психодиагностик моделлар

Режа:

1. Нейропсихологик модель
 2. Психотерапевтик модель
 3. Диагностиканинг педагогик модели
 4. Логопед ва психологнинг диагностик фаолияти
- Назорат саволлари

5.1. Нейропсихологик модель

Психик ҳодисаларга материалистик, илмий ёндошув И.М.Сеченов (1829-1905) ва И.П.Павлов (1849-1936) тадқиқотларидан бошланди. Уларнинг илгари сурган илмий ғояларига кўра психика – юқори ривожланган материянинг, инсон миясининг намоён бўлиши, демак у, ҳар қандай моддий ҳодиса каби, эксперимент ёрдамида ўрганилиши мумкин. Шундай қилиб улар, психикага бундай ёндошувнинг ҳам назарий, ҳам амалий асосларини белгилаб бердилар.

Маълумки, И.П.Павлов илмни шартли рефлексларни кашф этиши билан бойитди. Бу ривожланган нерв тизимига эга бўлган тирик мавжудотлар ўзгарувчан ташқи муҳитда индивидуал мослашувчан хулқ-атвор шаклларини қандай ўрганади деган масалага ойдинлик киритар эди. И.П.Павлов ва унинг илмий мактаби вакиллари тадқиқотларининг яна бир муҳим натижаси шунда эдики, шартли рефлекс олий нерв фаолиятининг объектив қонунларини белгилаш имконини берди.

Кейинчалик бу йўналиш олий нерв фаолияти физиологияси доирасида ва психофизиологияда (физиологик психологияда) ўз ривожини топди. Логопедия учун катта аҳамиятга эга бўлган нейропсихология йўналишидаги илмий тадқиқотлар А.Р.Лурия (1902-1977) томонидан яратилди ва бугунги кунда унинг ўқувчилари ва издошлари Е.Д.Хомская, Л.С.Цветкова, А.В.Семенович ва бошқалар томонидан ривожлантирилмоқда.

1970 йилда А.Р.Лурия ташаббуси билан болалар нейропсихологияси ривожлана бошлади. Нейропсихология доирасида ўтказилган бош миянинг локал жароҳатларига эга болаларда олий психик функцияларнинг мия механизмларини

Ўрганиш Л.С.Виготский гомонидан баён этилган олий психик функцияларнинг хроноген локализация қонунларини аниқлаш имконини беради. Олий психик функцияларни шаклланиши жараёнида Л.С.Виготскийнинг “Функциялараро алоқалар ва муносабатларнинг ўзгарувчанлиги” ҳақидаги умумпсихологик ҳолати ўзгаришда ривожланишларини характери, патоген омилларни таъсир этиш вақтига кўра белгиланиши ва ўзгариши жараёнини йўналишини яъни ҳали ривожланмаган функцияларда ривожланишни “тепага”, шаклланган функцияларда “пастга” йўналишини аниқлаш имконини беради. Бу хулосалар маълум маънода алоҳида эҳтиёжларга эга болаларга таълим-тарбия беришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга ва психик диагностиканинг ривожланишига замин яратди.

Психологик-педагогик диагностика умумийдан жузъийга қараб тузилади: нутқ бузилиши симптомлари тўпламини аниқлашдан нутқ патологияси механизмларини аниқлашга, нутқ билан боғлиқ бўлган ва нутқ билан боғлиқ бўлмаган сиптомларни аниқлашдан нутқ нуқсонининг тузилишини аниқлашга.

Нуқсон тузилишининг мазмунини очиб берар экан, Л.С.Виготский таъкидлаган эдики, ҳар қандай нуқсон мураккаб симптомлар мажмуидан иборат бўлиб, унинг дастлабки сабабчиси организмнинг биологик ҳолатига бориб тақалади. Нуқсоннинг иккиламчи симптомлари эса биологик симптом туфайли келиб чиққан психологик ҳосиладардир. нуқсоннинг биологик ва психологик жиҳатлари ўзаро узвий боғлиқ ва бир-биридан айро мавжуд бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, касаллик ёки нуқсондан азият чекаётган инсон ўз шахсий ҳис-туйғулари орқали уни бартараф этиш, яъни соғайиш жараёнига қўшилади.

Нутқ бузилишларида нуқсон структурасига психик ривожланишдаги ўзига хос чекинишлар ҳам киради. Нутқ бузилиш механизмлари (ифодаланганлик даражаси, миянинг шикастланиш вақти ва ўрнига кўра) шу қадар турли-туман ва бир-биридан шу даражада фарқланадики, ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳар хил баҳолаш методлари ва психологик ёрдам турларидан фойдаланиш зарурати туғилади. Масалан, ҳомиланинг бачадон ичида шикастланиши натижасида, мана шу шикастланишнинг даражаси ва ўрнига қараб, бола ривожланишидаги камчиликлар ҳар хил намоён бўлади (мотор, интеллектуал, эмоционал).

Нейропсихологик концепцияга кўра, физиологик жараёнлар мия структуралари ва психик функциялар ўртасида ўзига хос воситачи вазифасини бажаради. Бу функцияларнинг биринчи тадқиқотчилари ҳам И.М.Сеченов ва И.П.Павлов бўлдилар.

Ҳар қандай олий психик функция амалга ошар экан, миянинг А.Р.Лурия томонидан ажратиб кўрсатилган учта блокига таянади: энергетик блок (Мэгул ва Моруцци томонидан очилган), ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш блоки, дастурлаш ва назорат қилиш блоки. Шунга кўра олий психик функциялар бузилишининг таснифида олимлар миянинг ҳар хил зоналарининг шикастланиши билан боғлиқ синдромларни аниқлашга асосланадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нейропсихологик ёндошув логопедия соҳасининг афазиология (миянинг локал шикастланишлари ҳақидаги) бўлимида айниқса кенг қўллана бошланди.

5.2. Психотерапевтик модель

Бу бўлимда кўриб чиқиладиган концепция ҳам, нейропсихологик концепция каби, тиббиётнинг амалий вазифалари таъсирида келиб чиқди. Фарқи шундаки, агар нейропсихология психик функцияларнинг мия структуралари билан боғлиқлигини ўрганишга қаратилган бўлса ва унинг асосий тушунчаси синдром бўлса, касаллик ёки нуқсоннинг (бу ўринда нутқ нуқсонининг) ички кўринишининг концепцияси ҳаётнинг нормал кечиши бузилган шароитда организмдаги адаптацион (мослашувчан) психик механизмларни ўрганишга қаратилади, ва шунга кўра унинг асосий тушунчаси инсон бўлиб қолади.

Маълумки, нутқ бузилишлари ёлғиз логопедиянинг эмас, балки невропатология, психиатрия ва оториноларингология каби бир нечта мустақил тиббиёт соҳасининг ҳам ўрганиш объектидир. Бу эса уларнинг биргаликда иш кўришини тақозо этади. Буни дудуқланувчилар устида олиб борилган кузатишлар ҳам тасдиқлайди. Маълум бўлишича, уларга кўрсатиладиган логопедик ёрдам самарадорлигининг пасайишига мотор бузилишларнинг огирлиги ёки муддати эмас, балки ўз нутқий камчилигига ўта эътибор (яъни нуқсон билан боғлиқ психик ҳолат) кўпроқ таъсир қилар экан (В.И.Селиверстов, 1994). Шунингдек функционал дисфонияларнинг юзага келиши ва кечишида психик омилларнинг (хис-туйғулар, умумий психик зўриқишлар, психик травмалар,

педагоглар ва тарбиячилар билан интервью ўтказиш, психологик ва ижтимоий-психологик тадқиқотлар олиб бориш методларидан фойдаланиш мумкин. Нуқсоннинг ички манзарасини имкон даражада аниқ тузилиши боланинг интеллектуал ривожланиш даражасига, шу жумладан унинг инсон организми ва психикаси, шунингдек нутқ механизми ҳақидаги билимларига боғлиқ.

Ақлий ривожланишда орқада қолган, шу жумладан нутқ бузилишларига эга болаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, уларда нуқсоннинг ички манзарасини ҳақидаги тасаввурлар нормал ривожланган болаларникидан анча фарқ қилади. Улар учун ўз нуқсонларига чегаравий (ўта ошиқча ёки ўта бепарво) муносабатлар, ўта хавотирлик хос, улар ўз ҳолатларига тегишинча баҳо бера олмайдилар, ўз-ўзини назорат қила олмайдилар. Бу борада бундай болалар кичик ёшдаги болаларга яқин турадилар. Тузалишда даволанишнинг аҳамиятини фақат 9-14 ёшга келиб тушуна бошлайдилар.

Нуқсоннинг ички манзарасини шакллантиришда боланинг ҳаётий тажрибаси катта аҳамият касб этади. Бу борада ахборот манбалари ҳам муҳим бўлиб, уларнинг асосийлари - бу ота-оналар, оммавий ахборот воситалари, тенгдошлар, шунингдек катталарнинг тўғри кўрсатилган ёрдами. Боланинг нуқсонини англаши ва унга муносабат билдиришида катталарнинг муносабати бош ўрин эгаллайди.

Болага логопеднинг таъсири жуда катта. Унинг хайрихоҳ, илиқ муносабати, аниқ тушунтиришлари, ўзига энг яхши ёрдам кўрсатишга интилиши нуқсоннинг ички манзарасига, демакки кўрсатилаётган ёрдам натижаларига ижобий таъсир кўрсатади. Боланинг ўз ҳолати, нутқ камчилиги ва логопеднинг хатти-ҳаракатлари ҳақидаги тасаввурларига етарли баҳо бермаслик нуқсоннинг ички манзарасининг нотўғри шаклланишига олиб келиши ва самарали ёрдам кўрсатилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

5.3. Диагностиканинг педагогик модели

Педагогик диагностика мактаб ёки боғчада амалга ошириладиган педагогик тизимнинг касбий менежменти талабларини қондиришга қаратилган. Педагогик фаолият диагностикаси билан боғлиқ муаммолар ғоят долзарб бўлиб,

таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, педагог малакасини ошириш ва унинг ижодий потенциалини ўстириш учун аҳамиятли.

Педагогик диагностиканинг вазифаси текширилаётган пайтда педагог эга бўлган касбий-шахсий сифатларни, унинг ижодий потенциалини аниқлашдан иборат бўлиб, унинг натижалари педагогнинг касбий қодилиятларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Дарҳақиқат, педагогикада фақат педагогик характеристикаларни аниқлабгина қолмай, уларнинг ўзгариш динамикасини тузиш ҳам ҳолат муҳим масаладир.

Бу масалага бағишланган илмий адабиётда ташхислашга нисбатан турлича ёндошувлар келтирилган. Бунда педагог муайян мезонлар ва параметрлар бўйича ўз-ўзини баҳолаши (ўз-ўзини ташхислаши), бу иш жамоадаги ҳамкасблар, ота-оналар, нуфузли ҳамкасблар гуруҳи, таълим муассасасининг маъмурияти, таълим идораларининг мутахассислари ва методистлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Педагогнинг касбий-малакавий қобилияттини, педагогик потенциалининг ўсишини диагностика қилиш таълим муассасаси раҳбарига фақат муайян педагог ҳақида фикр юритиш ва таҳлил қилиш учун кенг ахборот берибгина қолмай, балки бутун педагогик жамоа ривожининг истикболини, профессионал ўсиши ва ижодий потенциалининг (имкониятларининг) келгуси йўналишлари ва истикболларини белгилашга ёрдам беради.

Педагогик диагностика тамойиллари: мақсадга мувофиқлик ва адреслилиқ, ишончлилиқ ва ҳаққонийлик, тизимлилиқ ва узлуксизлик.

Бугунги кунда педагогик диагностикага алоҳида аҳамият берилади, чунки у таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг бир қатор муҳим масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Педагогик диагностика яқуний натижани ҳам, ўқув-тарбия жараёнининг боришини ҳам аниқлаб берадиган кўрсаткичларга эга бўлмоғи керак. Унинг ташкил этилиши ва ўтказилиши бир неча босқичда амалга оширилади:

-тайёрлов босқичи – анкеталар, сўровномалар, схемалар, у ёки бу параметрларнинг тавсифлари, кўрсаткичлар жадвалларини тайёрлаш;

-ташкилий босқич – диагностикани ўтказиш механизминини белгилаш ва муҳокама қилиш;

-педагогнинг ўз-ўзини баҳолаши — ҳар бир педагог билан танлаб олинган мезонларга мувофиқ унинг савиясини аниқлаш бўйича индивидуал иш олиб борилади;

-маъмурият, , ҳамкасблар, ота-оналар ва болалар томонидан педагогга баҳо бериш;

-маълумотларни ишлаш ва таҳлил этиш;

- ҳар бир педагог учун тавсиялар тайёрлаш;

-диагностика натижалари бўйича диаграмма тузиш; диаграмма мақсади — қандай масалалар ушбу ўқув муассасасида муваффақиятли ҳал қилинади, қандай масалалар устида жиддий иш олиб бориш кераклигини аниқлаш. Бу муассасанинг келгусидаги ривожланиши учун керакли мақсад ва вазифаларни аниқлаштиришда ҳисобга олинади;

-олинган маълумотларни педагогик консилиумда муҳокама қилиш.

Назорат саволлари

1.Психиканинг физиологик асослари ҳақида қандай асосий тасаввурлар мавжуд?

2.Нейропсихологияга А.Р.Луриянинг қўшган ҳиссаси ҳақида гапириб беринг.

3. “Нуқсон структураси” тушунчасининг мазмунини очиб беринг.

4.Нутқ нуқсони структурасида бирламчи ва иккиламчи симптомларга мисоллар келтиринг.

5. “Нуқсоннинг ички манзараси” концепциясининг ролини очиб беринг.

6.Педагогик диагностика маделининг таърифини беринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияда сўзланган нутқ. — Тошкент, 1997.
2. Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ миллатларни — миллат қилишга хизмат этсин. — Тошкент: Ўзбекистон, 1988.
3. Ислом Каримов. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 1-том.
4. Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 2-том.
5. Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. — Тошкент, 1997.
7. Янги таҳлим қонуни. — Тошкент, 1997.
8. Абдурашидова Р. Мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг ҳаракатли ўйинлари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1969.
12. Волкова Г.А. Игровая деятельность в устранении заикания у дошкольников: Книга для логопеда. — М.: Просвещение, 1983.
18. Логопедия: Пед. олий билимгоҳи. «Дефектология» ихтисослиги талабалари учун ўқув қўл.. — Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
19. Логопедия/ под ред. Л.С.Волковой, С.Н.Шаховской. — М.: Владос, 1998.
21. Мўминова Л.Р., Шомахмудлова Р. Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болалар талаффузидаги нуқсонларни тузатиш. — Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
22. Муминова Л.Р. Русско-узбекский толковый словарь логопедических терминов. — Ташкент: Ўқитувчи, 1988.
23. Основы теории и практики логопедии/ Под ред. Р.Е.Левиной. — М.: Просвещение, 1968.
- 24 Хрестоматия по логопедии М., 2000
- 25 Власова Т.А., Мачихина В.Ф. Отбор детей во вспомогательные школы. Москва: «Просвещение». 1983 г.

26 абрамная С.Д. Отбор умственно отсталых детей в специальных учреждений. Москва: «Просвещение». 1988 г.

27 Калягин В.А., Овчинникова Т.С. Психолого-педагогическая диагностика детей и подростков с речевыми нарушениями.

Дастурнинг информатсион-методик таъминоти

Электрон таълим ресурслари

1. [www. tdpu. uz](http://www.tdpu.uz)

2. www. pedagog. uz

3. www. Ziyonet. uz

4. www. edu. uz

5. [tdpu-INTRANET. Ped](#)

6. www. logoped. uz

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 4,0.

Тиражи 200. Буюртма № 86.

«Fan va texnologiyalar Markazining boshmaxonasi» da chop etildi.

100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.